Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 116 (6. 815) ◉ 1989 йил 22 май, душанба ◉ Баҳоси 3 тийин

25 майда СССР халқ депутатларининг съезди очилади

Олий минбардан нималар ҳақида гапирардим



МАНА ниҳоят, қарийб тўрт ой давом этган учрашувлар, мунозара ва тортишувлар, қисқа қилиб айтганда иттифоқимизни бошқаришда иштирок этишдек масъулиятли ваколатни қўлга киритиш учун бўлган демократик ва соф ошкора кураш ниҳоясига етди. Аслида бу — депутатлик ҳаётимнинг индаллоси. Негаки, менга ишониб овоз беришган сайловчиларим наказларини бажаришим керак. Наказлар эса етарли: турар жойлардан фойдаланиш бошқармалари раҳбарларининг лоқайдлигию уй-жой қийинчиликлари, савдодаги «олғир»ликлару транспорт хизматидаги тартибсизликлар, экология масалаларию тил муаммолари... Бир-биридан долзарб ушбу ишларни қай йўсинда бажариш режаларини ўйлайман.

Айрим боқибеғам раҳбарлар «шижоати» билан пайдо бўлган аксарият муаммолар ечими бир қарашда жўнгинадай туюлади. Амалда эса ҳанузгача «жон сақлаб» келишаётган тепса-тебранмас бюрократлар билан тортишишга, ҳақиқий айбдорни топишга тўғри келади. Шу ўринда бироз мисолларга мурожаат этайлик.

Маълумки, шаҳримиздаги кўп қаватли уйлар сони йилдан-йилга кўпайяпти. Бу — албатта қувонарли ҳол. Бироқ, кўчаларнинг йил ўн икки ой кавлаб-текислашини қандай изоҳлаш мумкин?! Наҳотки қувурларни ер остига узоқ муддатни кўзлаб, мустаҳкам қилиб ётқизишнинг иложи бўлмаса!

Сир эмаски, қонунбузарлик, жиноятчиликнинг турли кўринишлари борган сари «болаляпти». Ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан суҳбатлашсангиз «Жамоатчилик ёрдам бермаяпти», дейишади. Тўғри, сўзларида мантиқ бор, аммо уларнинг ўзлари қаёққа қарашаяпти?! Ўз вазифаларига виждонан ёндашишяптими?! Ёки ноҳақ қамалиб, тақдири таҳқирланган ҳамюртларимиз кимларнинг «шижоати» билан шу кўйга тушишди?!

Бундан уч йилча муқаддам «Тошкент оқшоми» газетаси жамоат транспортидан фойдаланганлик учун ишлайдиганлардан 3, талабалардан 1,5 сўм миқдорида пул ушлаб қолиш таклифи билан чиққан эди. Бунда транспорт корхоналари кассасига ҳозиргидан анча кўп фойда тушиши, кўчалар абонемент, билетлардан тозаланиши ва аҳолининг анча қулайликларга эга бўлиши ҳақида атрофлича фикр юритилган эди. Хўш, ташаббус маъқулландими? Аксинча, кам сонли «қуён»ни деб, автобус ҳайдовчилари болалию мўйсафид демай, инвалиду ҳомиладор демай барчани олдинги эшикдан санаб туширишяпти. Бу — эскиликни такрорлаётган «янгилик»дан ўзга нарса эмас.

Шаҳарда жон бошига 3-4 квадрат метрданга тўғри келадиган кўпгина хонадонлар бўлгани ҳолда, энди дунёга келадиган хўжайинини тоқати-тоқ бўлиб қутаётган данғиллама квартиралар йўқми? Топилади! Кўп болали оилаларни ер участкаси билан таъминлаш ишлари ҳам «тошбақа тезлигида»ги суръатларда олиб борилмоқда.

Умуман бунақанги камчиликлардан ҳоҳлаганча санаш мумкин. Келинг яхшиси, суҳбатимиз мавзуини сал кенгроқ олайлик. Ўзбекистондаги ишчи билан пахтакор-деҳқоннинг меҳнат ва маданий турмуш шароити, моддий манфаатдорлиги нега бир хил эмас? Сабаби аён, минг азобда етиштирган «оқ олтин»нни арзонга сотиб, ундан тайёрланган маҳсулотларни фазовий нархларда оляпти. Буни биз бугун билиб олганимиз йўқ. Азалдан биламиз, негаки ота-боболаримиз деҳқон ўтишган. Тўғри, узоқ йилларидан бери бу ҳақ-да шивирлашиб гаплашардик. Энди эшиттириброқ айта бошладик. Хўш, самара беряптими гап-сўзлар? Албатта! Масалан, пахта газмоллар анқонинг уруғига айланяпти, кир совун зим-зиё бўлди.

Бозорларимизга киришга юрак бетламай, узоқдан разм соладиган бўлганлигимиз, спиртли ичимликлар билан савдо қиладиган магазинлар дарчалари олдидаги ур-йиқитлар, справканинг справкалигини тасдиқловчи справкалар олишга кетаётган вақтимиз ва ҳоказолар ҳақида тўхталмай қўя қолай. Булар барчамизга аён. Қачонгача давом этишигина қоронғу, холос.

Бефарқлигимиз оқибатида Орол қуримоқда, СССР аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлашни қайта қуришнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000-йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари асосида қилинаётган ишларни ҳам талаблар даражасида дейиш қийин, сабаби касалхоналарда ҳар бир беморга 7 квадрат метр лозим бўлгани ҳолда, ҳозирда 2,5-3 квадрат метрдан тўғри келяпти, медицина муассасаларининг қурилиши, замонавий медицина техникаси ва дори-дармонлар билан таъминланиши суст.

Энди кооперативлар ҳақида икки оғиз сўз. Менинг назаримда кооперативларни индивидуал тарзда эмас, балки у ёки бу министрлик тасарруфида, яъни тармоқлараро умумий овқатланиш — ошхона кооперативлар тимсолида фикр юритиб кўрайлик. Ҳозирда улар чиқимини ҳисоб-китоб қилиб, «акаси, 50 тийин сарфлаб бир сўм фойда олишингиз бу инсофдан эмас, сал пастга тушинг, халқ ҳамёнини ҳам ўйланг», дейдиган азамат йўқлигидан ушбу кооперативчилар кўнгиллари тусаган нархда «савдо» қилишяпти.

Яна бир томони шундаки, кооперативлар билан рақобат қилувчи давлат ташкилотлари йўқ. Хоҳласангиз кооператив ошхонани олиб кўринг, яқин атрофида давлат ошхонаси кўринмайди. Хўрандалар узоқ йўл босиб давлат ошхонасини излашга кетадиган вақтини қизғаниб, қиммат бўлсада кооперативда овқатланишга мажбур бўлишмоқда. Бир фараз қилинг-а, дейлик, давлат ва кооператив ошхона ёнма-ён турибди. Биттасида палов — 80, лағмон — 65, сомса — 20, шўрва — 40, нон — 10, чой — 3 тийин бўлгани ҳолда иккинчисида мос равишда 1,25; 1,30; 50; 1,20; 20; 20 тийин турса, ойига ўрта ҳисобда 150—200 сўм маош олиган киши қайси бирини танларди? Айниқса, уларнинг масалиқлари бир хил бўлса.

Масалан, 22-турар жой кварталида «Подмосковная» автостанцияси жойлашган бўлиб, бу ерда камида 8 маршрут бўйлаб юрадиган автобусларнинг охирги бекати. 12, 13-троллейбусларнинг сўнгги бекати ҳам бир чақирим нарироқда жойлашган. Ҳайдовчилар ва шу яқин атрофдаги катта-кичик ташкилотлар ишчи-хизматчилари автостанцияда «Союзпечать» киоски ва ошхона очиб беришни райижроқўмдан илтимос қилишди. Кўп ўтмай «Союзпечать» киоски очилиб, планини салкам икки ҳиссага етказиб бажаряпти. Ошхона очилишидан эса дарак бўлавермади. Сабри чидамай (икки йил кутиб) «Оқшом»га ёзишди, Аҳвол барибир ўзгармади. Бу — уддабурон кооперативчиларга қўл келди. Анча бўлди уларнинг «ошиғи олчи». Автобус ҳайдовчилари ва бошқа кооперативда овқатланишга «қўли калталик» қиладиганлар ҳамон сарсон-саргардон.

Йўловчи ташишга ихтисослашиб олишган кооперативчилар фаолияти сал бошқачароқ. Бу ўринда давлат таксичилари қийналишяпти. Сабаби, шаҳримизда ўрта ҳисобда 3,5 минг давлат такси машинаси бўлгани ҳолда, кооператив таксилар сони тахминан 10 мингга етди. План эса ўша-ўшалигича турибди. Ўзингиз ҳолис баҳо бераверинг. Ўйлайманки, ушбу ва мен тилга олмаган ечимини кутаётган муаммолар барчанинг, биринчи навбатда ўзбекистонлик депутатларнинг диққат марказидадир.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар, бу ёзилганларни ўқиб, «Депутатимиз нуқул камчиликларни кўрарканда», деган фикрга бора кўрманг, асло. 1985 йили КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми бошлаб берган қайта қуриш эпкини туфайли қўлга киритилган барча муваффақиятларимиз мени беҳад қувонтиряпти. Ошкоралик ва демократиянинг кундалик ҳаётимизга сингиб бораётганини, инсон омили, халқ саломатлиги, халқлар дўстлиги, осмонимиз осойишталиги КПСС ва Совет давлатининг диққат марказидаги бош масала эканлигини инкор этишга тил ожизлик қилади. Балки ишчи синфи вакили бўлганлигим учунгидир, мен «Қўлга киритилган ютуқлар ўзимизники, олдимизда турган муаммоларни ҳал этиш йўлларини ўйлашимиз зарур» шиорини доим олға тутишга одатланганман.

Мендан гоҳида сўраб қолишади: «Олий минбарда сўз беришса, нималар ҳақида гапирардингиз?» деб. Нима ҳам дердим, мана ҳозир Москвага, яъни 25 май куни иш бошлайдиган СССР халқ депутатларининг съездига кетяпман, мабодо, менга сўз беришса, юқоридаги фикларимни ишчичасига содда ва ихчам қилиб айтган бўлардим. Узр, суҳбатимизни ҳозирча тўхтатишга тўғри келяпти. Биз учадиган рейса пассажирларни рўйхатга олиш бошланди. Суҳбатнинг давомини съезд таассуротлари билан қўшиб, келганимдан кейин бафуржа давом эттирамиз. «Оқшом» саҳифалари орқали учрашгунча хайр, муҳтарам муштарийлар деб,

Йўлдош АКБАРОВ,

2-автокомбинат такси ҳайдовчиси, СССР халқ депутати.

◉ 1989 йил 20 май, аэропорт, Тошкент вақти билан соат 10.

БИРОДАРЛАШГАНЛАР ТОШКЕНТДА УЧРАШАДИЛАР

ТОШКЕНТ'89

Бизнинг суҳбат

Совет ва чет эл шаҳарлари алоқалари бўйича СССР ассоциацияси ва АҚШ биродарлашган шаҳарлар ассоциацияси ўртасидаги келишувга мувофиқ 28—31 майда Тошкентда СССР билан АҚШ биродарлашган шаҳарларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтишини илгари маълум қилган эдик. Ана шу учрашувга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ташкилий комитет тузилган. «Тошкент оқшоми» мухбири ташкилий комитет раиси, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ҳ. Ҳ Ғуломов билан суҳбатлашди.

— Ҳамидулла Ҳабибуллаевич, ўн олти йил муқаддам, 1973 йилда бешта совет ва бешта америка шаҳри дўстона алоқалар ўрнатган эдилар. СССР билан АҚШ биродарлашган шаҳарларининг Тошкентдаги биринчи учрашувига эса элликка яқин Америка шаҳарларининг вакиллари келиши кутилмоқда. Ўтган давр ичида биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда биргина миқдор ўзгаришлари бўлмаган бўлса керак?

— Ҳа, ўша вақтда СССР билан АҚШ шаҳарларининг биродарлашишига асос солинган эди Бу олий даражадаги Совет — Америка учрашувининг якунларидан бири бўлганди. 1973 йилда Тошкент билан Сиэтл ҳам биродарлашган эдилар.

1986 йил икки мамлакат биродарлашган шаҳарлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда ўзига хос босқич бўлди. Мамлакатимизда юз бераётган қайта қуриш ва ошкоралик жараёнлари биродарлашган шаҳарлар алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга янги куч бағишлади. Бугунги кунга келиб 50 та совет ва америка шаҳри ўзаро алоқа қилиб турибдилар. Биргина 1986 йилнинг ўзида Архангельск билан Портленд (Мэн штати), Волжск билан Кливленд Хайтс, Иркутск билан Южин, Новосибирск билан Миннеаполис. Ярославль билан Берлингтон ва бошқа шаҳарлар биродарлашиш тўғрисида шартномаларни имзолаб, делегациялар билан айирбошлашдилар. Амалий, ижодий ва иқтисодий алоқаларнинг ривожланиб бораётганлиги биродарлашган шаҳарлар дўстлигининг ёрқин далилидир. Масалан, Ставрополь ўлкаси билан Айова штати ўртасида ўтган йили биродарлашиш тўғрисидаги шартнома имзоланган эди. Бугунги кунда эса улар ўртасида амалий иқтисодий ҳамкорлик бошланиб кетди.

Бу мисолларда икки мамлакат халқларининг тинч-тотув яшашга, инсоний қадриятларни устун қўйишга интилишлари ўз ифодасини топмоқда.

— Совет ва Америка шаҳарларининг ҳамкорлиги турли соҳаларда давом этяпти. Бу маданий бойликларни айирбошлаш, шаҳар хўжалигини юргазиш тажрибасини ўрганиш, ёшлар, турли касб эгалари ўртасидаги алоқалар, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, тинчликни ҳимоя қилишга қаратилган биргаликдаги лойиҳалардир Бу алоқалар ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз. Умуман кейинги пайтда биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги ҳамкорликнинг қандай формалари пайдо бўлди?

— Бугунги кунда Тошкент ва Сиэтл, Одесса ва Балтимор, Ереван ва Кембриж, Хмельницкий ва Модесто, Душанбе ва Боудер каби биродарлашган шаҳарлар ўртасида айниқса актив ва хилма-хил айирбошлашлар бўлмоқда. Масалан 1988 йилда Балтимор шаҳрида Одессадан совет мактаблари ўқувчиларининг биринчи гуруҳи бўлди. Улар АҚШда ўша вақтда вице-президент бўлган Ж. Буш томонидан қабул қилиндилар. Шундан кейин АҚШга тошкентлик ўқувчиларнинг катта группаси борди. Ўз навбатида Тошкентда биродарлашган Сиэтлдан келган бир гуруҳ врачлар стажировкадан ўтдилар. Хмельницкий шаҳрининг медицина соҳасидаги мутахассислари ҳам Модесто шаҳридаги ҳамкасбларидан сунъий буйрак аппаратидан фойда ланишни ўрганиб қайтишди. 1988 йил июлида Сиэтлда тошкентлик ўн нафар альпинист бўлди. Улар америкалик спортчилар билан бир ой давомида у ердаги тоғ чўққиларини забт этишди. Тошкент билан Сиэтл ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда 1988 йил сентябрда Тошкентда Тинчлик боғининг очилиши катта аҳамият касб этди. Маълумки, бу боғ Сиэтл аҳолиси томонидан тўпланган маблағлар ҳисобига барпо этилди. Тинчлик боғини ташкил этишда ҳашар йўли билан 2 минг нафар тошкентлик ҳам чиқди.

Биродарлашган шаҳарлар ҳамкорлигининг янги-янги қирралари намоён бўляпти. Душанбалик мутахассислар Боудер шаҳридаги дўстлари учун 490 квадрат метр саҳни эгаллайдиган миллий чойхона тайёрладилар. Яқин икки-уч ой ичида чойхона АҚШга олиб борилиб, Боудер шаҳри марказида ўрнатилади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Арманистонда бўлиб ўтган зилзила биродарлашган шаҳарлар бирдамлигини янги куч билан намоён этди. Совет кишилари бошига тушган қулфатни енгиллаштириш ишига Ереван билан биродарлашган Кембриж шаҳри аҳолисигина эмас, шунингдек СССРдаги шаҳарлар билан дўстона алоқа ўрнатган Американинг бошқа шаҳарлари аҳолиси ҳам ўз ҳиссасини қўшишга қарор қилди. Бу биринчи навбатда Сиэтл ва Спокан шаҳарларга таалуқлидир. Зилзила рўй бериши билан бу шаҳарлардан амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисида таклифлар тушди. Ҳозир ҳам ушбу шаҳарларда ер силкинишидан зарар кўрганлар учун махсус медицина асбоб-ускуналарини сотиб олиш учун пул тўплаш давом этяпти.

Кембриж шаҳри муниципалитетининг таклифига мувофиқ шу йил январида АҚШда бўлган Ереван шаҳри делегациясининг аъзолари зилзила натижасида вайрон бўлган шаҳарларни тиклашда ёрдам кўрсатиш, шунингдек, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Ву делегация АҚШ президенти Ж. Буш томонидан қабул қилинди.

Ҳозир биродарлашган шаҳарлар ўртасида бевосита савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатиш бўйича дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Масалан, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети билан Вашингтон штатидаги иккита қурилиш фирмаси ўртасида Тошкент шаҳрида чет эллик ва совет элчилари учун меҳмонхона қуриш тўғрисидаги битим лойиҳаси имзоланди. Шунингдек, Тошкентда халқаро аэропорт учун янги бинони биргаликда қуриш масаласи муҳокама этиляпти. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Вашингтон штатидан келган туристлар группаларини ўз ҳисобидан қабул қилиб, валюта ишлаш имкониятига эга бўлди. Келгусида бу маблағлардан шаҳар учун зарур асбоб-ускуналар, материаллар сотиб олишда фойдаланилади. Ереван билан Махачқалъа эса ўзлари билан биродарлашган шаҳарларда вино, эсдалик совғалари сотишга келишдилар. Корнинг шаҳрида Львов ойна фабрикасида тайёрланган буюмлар сотиладиган фирма магазини очилди. Шуни айтиш керакки, савдо-иқтисодий алоқаларини янада ривожлантириш кўп жиҳатдан Совет шаҳарлари ижроия комитетлари позициясига боғлиқдир.

— СССР билан АҚШ биродарлашган шаҳарларининг биринчи учрашуви учун Тошкентнинг танланганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

— Тошкент билан Сиэтл ўртасидаги узоқ йиллик дўстона алоқалар СССР билан АҚШнинг бошқа биродарлашган шаҳарлари учун намуна бўла олади. Бундан ташқари Совет Ўзбекистонининг пойтахти социал тараққиёт, фан-техника, маданият ва санъат масалаларига бағишланган йирик халқаро анжуманлар, конференциялар, симпозиумлар, учрашувлар ўтказишда катта тажрибага эгалиги ҳам ҳаммага маълум.

— СССР билан АҚШ биродарлашган шаҳарлари учрашувининг программаси, бу учрашувга Тошкент қандай тайёргарлик кўраётгани тўғрисида ҳам гапириб берсангиз.

— СССР билан АҚШ биродарлашган шаҳарлари биринчи учрашуви программасига мувофиқ унинг қатнашчилари Тошкент шаҳри меҳнат коллективларида, пойтахт ва областдаги диққатга сазовор жойларда бўладилар. Улар учун чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятида қабул ўюштирилади. Сиэтл шаҳридаги энг яхши рок-н-рол ансамблининг концертлари бўлади. Ўзбекистон санъат усталари ҳам учрашув қатнашчилари учун қизиқарли концерт программасини тайёрлаб қўйганлар.

Юқорида айтилганидек, учрашув доирасида совет ва америка шаҳарлари алоқаларини янада кенгайтириш, улар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилади. Жумладан, Тошкентдаги учрашувдан сўнг СССР билан АҚШнинг бир неча шаҳарлари ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатиш тўғрисида битимлар имзоланади. 1991 йилда СССР билан АҚШ биродарлашган шаҳарларининг иккинчи учрашувини ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилади.

Бугунги кунга келиб ушбу учрашувни ўтказиш юзасидан ташкилий комитет томонидан белгиланган тадбирларнинг аксарият қисми республика министрликлари ва идораларининг ёрдами ва қўллаб-қувватлаши туфайли муваффақиятли бажариляпти. Ҳар ҳолда биз ташкилий комитет аъзолари бу учрашув юқори даражада ўтишига ишонамиз.

— Халқ дипломатиясининг тинчликни мустаҳкамлаш, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни яхшилашга қўшаётган ҳиссаси тобора салмоқли бўлиб бормоқда. Ушбу учрашувда бу ҳамкорликни янада ривожлантириш учун оддий кишилар ташаббусини кенгайтириш масаласи ҳам муҳокама этиладими?

— Албатта. Учрашув программасига кўра ялпи мажлислар ва конференциялар ўтказиш кўзда тутилган. Уларда соғлиқни сақлаш, маориф, транспорт, турар жой қурилиши, бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммолар қатори оддий кишиларнинг мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, яъни «халқ дипломатияси» номини олган ҳаракатни кучайтириш масалалари ҳам муҳокама этилади.

СТУДЕНТ ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

19 май куни Тошкентда ўқиётган студент ёшлар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Учрашувларда 5 мингдан ортиқ йигит ва қиз иштирок этди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари, СССР халқ депутатлари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, область, шаҳар, район партия комитетларининг биринчи секретарлари ва секретарлари, бир қанча область ветераннлар кенгашларининг, комсомол ташкилотлари ва ижодий союзларнинг вакиллари ёшлар ҳузурида сўзга чиқдилар ва батафсил изоҳлар бердилар. Учрашувларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Тошкент шаҳар партия комитетининг ходимлари, пойтахт район партия комитетларининг биринчи секретарлари, республика халқ таълими министрлиги ва олий ўқув юртларининг раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

Умуман учрашувлар ҳамма жойда амалий вазиятда ўтди. Студентлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу йил 19 майда бўлиб ўтган XIII пленуми якунларидан, автоном республика ва областларни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг аҳволи ва истиқболларидан, эришилган ютуқлар ва ҳал этилаётган муаммолардан хабардор қилинди. Республика Компартияси ва ҳукуматининг иқтисодиётдаги камчиликларни бартараф этиш, меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини ўстиришни таъминлаш, пахтанинг таҳо ҳукмронлигини тугатиш, тил муаммоларини ҳал этиш ва миллатлараро муносабатларни ўйғунлаштиришга доир фаолияти билан боғлиқ масалалар батафсил ёритилди. Айни пайтда соғлом кучларни бирлаштириш зарурлиги рухсат берилмаган тадбирлар ўтказилишига, жамоат тартиби бузилишига йўл қўймаслик зарурлиги алоҳида таъкидланди, рўйхатга олинмаган жамоат уюшмалари активларининг экстремистларча талабларига принципиал баҳо берилди.

Область ва районларнинг раҳбарлари қайта қуришнинг бориши, СССР халқ депутатлигига ўтказилган сайлов якунлари, жойларда социал-иқтисодий ва маънавий ривожланишнинг конкрет муаммолари қандай ҳал этилаётганлиги, республика ижтимоий турмушида ўзбек тилининг ролини ошириш, диний вазиятга доир кўпдан-кўп саволларга узил-кесил жавоб қайтардилар.

Студент ёшларнинг вакиллари халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий базасини, қишлоқда меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, пахтакорлар меҳнатига ҳақ тўлаш системасини такомиллаштириш, жамоат транспорти, алоқа воситаларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида химиявий ўғитдан фойдаланишни чеклаш, экология вазиятини соғломлаштириш, студент ёшлар турмуши ва дам олишини яхшилашга доир бир қанча таклифларни киритдилар. Ёш мутахассисларни тайёрлаш сифатини яхшилаш ва улардан фойдаланиш муаммолари билан боғлиқ истаклар билдирилди.

Студентлар бундай учрашувларни маъқулладилар ва учрашувлар мунтазам ўтказиб турилиши, область ташкилотлари ва Тошкент ўқув юртларида таълим олаётган студентлар ўртасида янада мустаҳкам алоқалар ўрнатилиши хусусида ўз истакларини билдирдилар. Ёшлар ўртага қўйган таклифлар ва мулоҳазаларнинг амалга оширилиши назорат остига олинди.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИ ТРАНСЛЯЦИЯСИ

СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетида ТАСС мухбирига маълум қилишларича, СССР Олий Совети Президиуми билан келишиб олинди, СССР халқ депутатлари биринчи съезди ва янги сайланган СССР Олий Советининг биринчи сессияси мажлислари Марказий телевидениенинг иккинчи программаси ва «Маяк» радиопрограммаси орқали тўла трансляция қилинади.

Съезд ва сессиянинг бир қанча мажлислари ҳам Марказий телевидениенинг биринчи программаси ва Бутуниттифоқ радиосининг биринчи программаси орқали трансляция қилинади.

Марказий телевидение «Орбита» ва «Восток» космик алоқа системалари орқали ҳам трансляция қилади.

Шу кунлари Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг мухбирлари «Янгиликлар»нинг оператив сонларини, «СССР халқ депутатлари съездида» ва «СССР Олий Совети сессиясида» телекундаликларини ва радиокундаликларини тайёрлайдилар.

Съезд ва сессия ишидаги асосий воқеалар тўғрисида чет эл мамлакатларига эшиттиришнинг барча каналлари бўйича хориждаги радио тингловчилар ҳам батафсил хабардор этилади.

Тонгги газеталарда

◉ «КПСС Марказий Комитети 1989 йил апрель Пленуми йўл-йўриқларини амалга ошириш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» ҳамда «Кадрлар резерви тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII Пленумининг қарорлари кечаги республика газеталарида эълон қилинган.

◉ Маҳаллий Советларни ҳам қамраб оладиган сиёсий ислоҳотнинг янги босқичи яқинлашган сайин уларнинг фаолияти, жойларда тутган даражасини оширишда ўйнаши керак бўлган роли ҳақидаги хатлар редакцияларга тобора кўплаб келаяпти. Одамларни территориал-хўжалик ҳисоби, экология муаммолари ҳаяжонлантираяпти, улар маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тўғрисидаги Қонундан кўп нарсани кутишаяпти. Мазкур қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига ҳавола этиш кўзда тутилади. «Правда» газетасининг биринчи саҳифасидаги «Маҳаллий ҳокимият» сарлавҳаси остида редакция олган ана шу мазмундаги хатлар ўрин олган.

◉ «Правда» газетасининг «Тарих саҳифалари» рубрикаси остида бугун эълон қилинган навбатдаги саҳифаси «Советлар съезди: тик довонларда» деб номланади.

Об-ҳаво ва саломатлик

22 майдан 28 майгача

Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига кўра шу ҳафтанинг дастлабки кунлари кам булутли қуруқ ҳаво сақланиб туради. Ҳаво ҳарорати жадал кўтарила бориб, кечалари 17 — 22, кундузи 33—38 даражагача етади.

Ҳафтанинг охирига келиб Иттифоқимизнинг Европа территориясидан совуқ ҳаво оқими кириб келади. Шу туфайли об-ҳаво бекарор бўлади. Аксарият областларда жала ёғади, момақалдироқ бўлади, ғарбдан эсадиган шамол тезлиги секундига 9—14 метргача, момақалдироқ бўлган пайтларда 15—20 метргача кучаяди.

Н. А. Семашко номидаги сиҳат-саломатликни қайта тиклаш ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг медик об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдини олиш маркази мутахассисларининг фикрига қараганда, шу ҳафтада кутилаётган об-ҳаво шароитлари, яъни ҳафтанинг биринчи ярмида ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, атмосфера босимининг пасайиши ҳаво таркибидаги кислород миқдорининг кескин камайишига олиб келади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида совуқ ҳаво оқимининг кириб келиши эса ҳароратнинг кескин пасайиб, атмосфера босимининг кўтарилишига сабаб бўлади. Об-ҳавонинг бундай кескин ўзгаришлари об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан, айниқса спастик реакцияларга мойил шахсларнинг барча группаларига салбий таъсир этади. Шунинг учун врачлар ҳафтанинг биринчи ярмида сурункали кислород етишмовчилиги, жумладан артериал гипертония, юракнинг ишемик хасталиги, ўпка-нафас олиш системаси хасталиклари, юрак-қон томир хасталиклари бўлган беморларга алоҳида эътибор беришлари лозим.

Ҳафтанинг иккинчи ярмида юракнинг ишемик хасталиги, бош мия қон томирлари ва яллиғланиш хасталиклари, ўпка ва бўғин хасталиклари, айниқса ревматоидли полиартрит хасталиклари бўлган об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан беморларнинг аҳволи оғирлашиши мумкин.

Профилактика мақсадида ҳафтанинг биринчи ярмида организмдаги кислород етишмовчилигини нормаллаштириш учун хонани тез-тез шамоллатиб туриш, очиқ ҳавода, салқин ерларда кўпроқ сайр қилиш лозим. Зарур ҳолларда даволовчи врач кўрсатмаси билан юрак-қон томир фаолиятини ростловчи дори-дармонларни қабул қилиш керак.

Ҳафтанинг иккинчи ярмида об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан шахсларга қон босимини мўътадилаштирувчи дори-дармонларни, антиспастик препаратларни қабул қилиш тавсия этилади. Об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан барча шахсларга антивазоспастик препаратини қабул қилиб, камроқ ҳаракат қилиш, жисмоний зўриқишларни чеклаш маслаҳат берилади.

Минг бир касб

Сулола

Аркадий Иванович Ткаленко! Номи тилга олинган камтарин инсон, Тошкент тепловоз ремонти заводи захматкашларидан бири бўлмиш одамохун кишини 35 йилдан бери биламан. У дастлаб заводга келганида ўсмир йигит бўлиб, оддий ишчиликдан иш бошлаган эди. Унинг ўзи кўзлаган мақсадига тез эриша оладиган, ўта зийрак ва сезгирлиги шундоққина билиниб турарди. Бу пайтларда ремонт-комплектлаш цехи янги ташкил этилаётган эди. Худди шу янги цехга у бригада бошлиғи қилиб ўтказилди. Одамлар билан ишлаш осон эмас. Чунки бунинг учун ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиш, ишчиларни уюштира билиш, бундан ташқари принципиаллик талаб этилади. Бу хислатлар эса унда намоён бўлиб турарди.

Ҳа, заводда Аркадий Ивановични танимайдиганлар топилмаса керак. Чунки у ўзининг ғайрати, ишбилармонлиги, ҳаққонлиги билан доимо ўзгалардан ажралиб туради. У кўп ўтмай ўзи иш бошлаган ремонт-комплектлаш цехида мастерликка кўтарилади. Сўнгра паровоз цехига ўз соҳаси бўйича ўтказишади.

Халқимизда олтин ўтда, одам меҳнатда билинар, деган ажойиб мақол бор. Бу мақол Аркадий Ивановичга ҳам таллуқли. Чунки унинг ҳаёти шунақа мураккабки, таъбир жоиз бўлса қаерда дўппи тор келиб қолса «командировка» қилишарди ўша кезларда. Яна орадан кўп ўтмай тоблаш цехи оқсаётганлиги учун худди шу қийин участкага ўтказилди. 1957 йилда ғилдирак цехига ўтиб ишлай бошлади. Аркадий Иванович бироз фурсатдан кейин ғилдирак цехига бошлиқ этиб тайинланди. Киши қанчалик юқори поғонага кўтарилгани сайин масъулият ҳисси орта боради. Аммо шунда ўзини йўқотиб қўймаслиги, ўз шахсини ўзгалардан баланд қўймаслиги ва ишлаб чарчамаслиги ҳаётий асослардан маълум.

Қаҳрамонимиз ишчанлиги билан бирга, ишчиларга меҳрибон раҳбар, олийжаноб инсонлиги билан ажралиб турарди. У барчага баробар, бировни ака, бошқасини ука деб худди оға-инилардек келишиб ишларди. Натижада илғорлари қолоқ ҳисобланмиш коллектив ўз раҳбарлари юқувлилигидан илғорлар қаторидан ўрин эгаллайди. Меҳнат қилган элда азиз деганлари шу бўлса керак! Аркадий Иванович кўпчилик овоз билан партком бюроси аъзолигига сайланади. Актив жамоат ишларини бажара бориб, кўп ўтмай завод партия комитети секретари ўринбосари қилиб сайланади.

1960 йилларнинг бошларида тепловозларни ремонт қилиш ишлари эндигина ўзлаштирилаётганда Аркадий Ивановични яна энг жиддий ва оғир участкалардан бири — қайта ташкил этилаётган якорь цехига раҳбарликка қўйишади. Унинг кўл остидаги бу коллектив тиммай қилинган ҳаракат натижасида илғорлардан бирига айланади. Якорь ва электромашина цехлари бирлаштирилиб, электромашина комбинати ташкил этилгач, яна уни раҳбарликка тайинладилар. Кейинчалик Аркадий Иванович бош энергетик вазифасига кўтарилади. Яна орадан икки-уч йил ўтар-ўтмас етук мутахассисни завод бошлиғининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий тежамкорлик бўйича ўринбосари қилиб тайинлашади.

Шуниси эътиборга лойиққи, у оддий ишчиликдан завод бошлиғи ўринбосаригача бўлган машаққатли, аммо шарафли йўлни босиб ўтди. Ҳаммаси унинг астойдил қилган меҳнати мевасидир. Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат, деганлари рост. Унумли меҳнатлари, юксак ташкилотчиликлари эвазига унинг кўксини Меҳнат Қизил Байроқ ордени безаб турибди. 1975 йилда эса учга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер фахрий унвони берилади.

Аркадий Иванович Ткаленко тепловозлар номенклатурасидаги барча қисм ва деталларни миридан-сиригача мукаммал эгаллаган. У ўз корхонаси учун чинакам жон куйдиради. Ўзининг ақли-заковати билан давлат планларининг доимо юқори сифатли қилиб бажарилишида бош-қош. Елиб-югуради. Шунга эришиш учун дилдан курашади. Гўёки ўзини худди шу корхона учун туғилгандек ҳис этади. Аркадий Иванович бутун оиласи билан шу заводга, ишлаб чиқариш учун яратилган. Унинг рафиқаси Ольга Михайловна Ткаленко техника хавфсизлиги бўлими бошлиғи. Ўғли Виктор Аркадьевич тепловоз йиғув цехининг бошлиғи. Келини Алефтина кадрлар бўлимида инспектор, қизи Галина хўжалик ҳисобидаги ремонт-қурилиш бошқармасида инженер-технолог. Бир сўз билан айтганда Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябрь революцияси номидаги инқилоб бешиги бўлмиш Тошкент тепловоз ремонти заводининг ажойиб сулолаларидан.

С. БАҲОДИРОВ.



Ишлаб чиқариш участкаларида, энг долзарб объектларда коммунистлар олдинги сафларда намуна кўрсатаётганлиги ва коллектив ютуқларига муносиб ҳисса қўшаётганлиги ниҳоятда қувончли ҳолдир.

Ана шундай ишчи коммунистлардан бири Садриддин Эржонов 14 йилдан буён асбобсозлик заводида меҳнат қилиб келяпти. У ўз ишига виждонан ёндошиб, план топшириқларини ортиғи билан адо этяпти. Меҳнатдаги ютуқлари учун илғор ишчи III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан тақдирланган.

Бугунги кунда С. Эржонов заводда фақат аъло сифатли маҳсулот топширилиши коллектив учун ниҳоятда муҳим эканлигини яхши тушунади.

СУРАТДА: С. Эржонов.

Х. Мирзакаримов фотоси.

Икки оёқ бир этикда

ёки Тошкент мотор заводининг ечимини кутаётган муаммолари ҳақида

Кейинги йилларда Иттифоқимизда машинасозлик саноати кенг ривожланиб боряпти. Айниқса қишлоқ хўжалиги машиналарининг янги турларини ўйлаб топиш, шунингдек уларнинг сифати ва таннархини арзонлаштиришга эришиш бугун тармоқ корхоналари олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бизнинг универсал тракторларимизга чет элларда қизиқиш бирмунча ортган. Қолаверса уларни жаҳон бозорида валютага харид қилиш истагини билдирувчи фирмалар ҳам талайгина. Ҳозир Минск ва Липецк машинасозлари амалий ишга киришиб, ўз тракторларини чет элларга экспортга жўнатяптилар. Бу авваламбор корхоналар учун, қолаверса Иттифоқимизда валюта фондини оширишда кони фойда бўляпти. Лекин тракторларни экспортга жўнатиш ҳеч бир корхона учун осонликча битмаяпти. Чунки бугун машиналар учун зарур бўлган С—100, яъни 100 от кучига эга бўлган двигателлар етишмаяпти. Буни бизнинг республикамиз, қолаверса Тошкент шаҳрига нима алоқаси бор дерсиз? Тўғридан тўғри алоқаси борда. Чунки СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлигининг қарорига биноан айнан Тошкентда мотор заводини қуриш ҳақида қарор қабул қилинган. Тўғри — у «Минск мотор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли. Лекин унинг Ўзбекистонда бунёд этилишидан регионимизда агрокомплекслар қишлоқ хўжаликлари, шунингдек, экскаватор ва трактор заводларида зарур бўлган моторларни етказиш кўзда тутилган. Қолаверса бу заводнинг тўла ишга тушиши нафақат бизнинг регионимизда, балки юқорида номлари тилга олинган корхоналар ишига ҳам ижобий таъсир қилиши табиий.

Тошкент мотор заводини қуриш учун шаҳарнинг қоқ чегараси, Бахт кўлининг ёни, янаям аниқроғи Чирчиқ дарёсининг қирғоғи танланган. Экологик нуқтаи назардан қараганда ниҳоятда ноўрин жой. Ахир сув бўйида корхоналарнинг қурилиши табиатни ифлосланираётганлиги ҳеч ким учун сир эмас. Лекин шунга қарамай завод дарё қирғоғида қад кўтарди. Планлаштирилган объектга жами 341,3 миллион сўм капитал маблағ ажратиш планлаштирилган. Булардан 292,1 миллион сўми саноат қурилиши объектларига, 49,2 миллион сўми уй-жой қурилиши ва маданий-маиший соҳаларга мўлжалланган. Бундан ташқари қурилиш-монтаж ишларига 84,9 миллион сўм сарфлаш кўзда тутилган.

Келгусида завод йилига 100 от кучи қувватига эга бўлган ўн минглаб двигателларни ишлаб чиқаради. Завод яқинида унинг ишчилари учун «Бахт» микропосёлкаси барпо этилади. 320 ўринли болалар боғчаси, 44 синфга мўлжалланган мактаб, 800 беморни қабул қилувчи поликлиника, 50 ўринли профилакторий, магазин, ошхона ва бошқа маданий маиший объектлар қурилиши планлаштирилган.

Хўш, ана шу яхши ниятлар бугун қандай амалга ошяпти?

Қурилиши 1984 йилда бошланган Тошкент мотор заводининг бугунги кундаги аҳволи қандай? Корхонанинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларига назар ташласангиз, натижалар чакки эмасдек туюлади. Барча иқтисодий кўрсаткичлар тўла адо этилган. Асосий кўрсаткич, шартнома мажбуриятлари 119,8 процентга бажарилган. Завод биринчи кварталда асосий маҳсулот планини ҳам 101 процентга бажарди. Меҳнат самарадорлиги ўтган йилгига нисбатан 108 процентни ташкил этиб, улгуржи нархларда 344 минг сўм, чакана нархларда 348 минг сўмлик халқ истеъмоли буюмлари аҳолига етказиб берилди.

Процентлар киши фикрини чалғитади назаримда. Бир қарашда ҳамма нарса кўнгилдагидек, ҳеч қандай муаммо ҳам йўқдек туюлади. Лекин нима учун лойиҳа қуввати йилига ўн минглаб мотор бўлган корхона бир кварталда атиги бир неча юз двигатель жўнатадию, тармоқ нормасини 101 процентга бажаради? Завод тўла ишга туширилса кварталда ўн мингдан зиёд мотор топшириши керак. Лекин бугунги бир неча юз мотор билан минглар орасидаги фарқ жуда каттадек туюлмаяпти сизга? Ҳар ҳолда бугунги қадамлар билан ўша бир неча ўн минглик чўққига қачон етиб олиш мумкинлигини тасаввур қилиш қийин. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Мотор заводига министрлик махсус линиялар учун 103 миллион сўм ҳажмида маблағ ажратди. 5 та линиянинг 2 таси Германия Федератив Республикаси ва 3 таси Италия фирмаларида ишлаб чиқарилган. Чет элдан бундай қимматбаҳо техника валютага сотиб олиниши ҳеч ким учун сир бўлмаса керак. 80 миллион сўмлик импорт линиялар бугун заводга келтириб бўлинди. Шулардан 60 миллион сўмлиги йил охиригача монтаж қилиб бўлиниши керак. Валютага шунча линияларни сотиб олган министрлик раҳбарларига тасанно айтиш мумкин эди. Лекин бундай тасаннолар иш ниҳоясига етказилгандагина айтилади. Ҳозиргача министрлик заводга 60 миллион сўмлик капитал маблағ, қурилиш монтаж ишларига эса 6,5 миллион сўм ажратиш лозим эди. Амалда эса бу пуллар 39 миллион ва 3,2 миллион сўмни ташкил этяпти. Хўш, капитал маблағларнинг ўзлаштирилиши кимни қониқтираяпти? Албатта ҳеч кимни! Қолаверса чет элдан келтирилган қимматбаҳо техникани ўзлаштириш учун зарур бўлган 3,3 миллион сўмнинг ажратилмаётгани ҳам тушунарсиз ҳол. Янги техниканинг чанг босиб ётишидан кимга наф?

Заводдагилар албатта юзага келган шароитда қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Улар ўз имкониятларидан тўла фойдаланиб ички резервларни ҳам қўлдан бермасликка ҳаракат қилишяпти. Айнан мана шу интилишлар туфайли 1989 йилнинг январида йилига 2,2 минг тонна маҳсулот топширувчи алюмин қуймалари цехи, 1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарувчи ностандарт машиналар цехи, ремонт-механика, энергия-ремонти, асбобсозлик цехларининг биринчи навбати ишга туширилди. Энг қувончлиси каттагина қувватнинг ўзлаштирилиши бўлди. Лекин юқорида айтганимдек, завод мазкур қувватнинг деярли 30 процентидан фойдаланиляпти. Бош корхона — яъни Минск мотор заводи Тошкентга етарли маҳсулот етказиб беролмаётганлиги ишни орқага тортяпти. Қизиқ бугун ўзлаштирилган қувватга ҳом ашё тополмаган бирлашма келажакдаги таъминотни қандай мўлжаллаётган экан?

Завод раҳбарлари бугун юзага келган вазиятдан қандай чиқиш зарурлиги устида ўйлаб, ҳайронлар. Бугун саноат объектлари ўзлаштирилмаётганлиги биринчи проблема бўлса, бу ерда социал шароитларнинг йўқлиги иккинчи муҳим муаммолардан бири. Республика Министрлар Советининг қарорига биноан Тошкент шаҳар ижроия комитети завод яқинида «Бахт» посёлкасини яратишда буюртмачи сифатида, «Ташгорстрой» эса бош пудратчи бўлиб иш бошлаши зарур эди. Лекин бу ишга ҳеч ким бош қўшмаяпти. Бугун заводда минглаб ишчи меҳнат қиляпти. Кўпчилиги бошқа областлардан келганлар. Бугунги 3 та ётоқхона уларнинг талабини сира-сира қондиролмаяпти. Яқин-атрофда уй-жойи бўлмагандан кейин ким ҳам шаҳарнинг чеккасидаги заводга бориб ишлашга киришади. Уй-жой муаммоси ҳал бўлмас экан, объектнинг тўла ишга тушиши ҳақида ҳам гап бўлиши мумкин эмас.

«Ташгипрогор» томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида посёлка қурилиши айнан ишчиларнинг қулайлик яратиш учун ҳар тарафлама ўйлаб тузилган комплекс лойиҳа. Ҳозиргача уй-жой қурилишига атаб 13,2 миллион сўмлик маблағ ўзини оқлагани йўқ.

Тошкент мотор заводи 1992 йилда тўла қувват билан ишга тушиши керак. Лекин бугун ишда сира силжиш сезилмаяпти. Мутасаддилар ташкилотларнинг муҳим объект талабларига панжа ортидан қараётганлиги корхонани ниҳоятда оғир аҳволга солиб қўйди. Ахир Чирчиқ дарёсининг ўнг ва чап қирғоқларида кўкка бўй чўзаётган қурилиш объектлари қачон ниҳоясига етишини бугун бирор кимса айта оладими? Лойиҳа қувватларининг ўзлаштирилмаётганлиги ишчилар учун, қурувчилар учун конн зарар. Ахир иш бўлмаган жойда маош бўлармиди? Маош яхши бўлмаганидан кейин эса ишчиларни куч билан тутиб турмайдилар. Бугун Кентов экскаватор заводига ҳамда Ўрта Осиёнинг пахта етиштирувчи областларига ўз маҳсулотларини жўнатаётган заводнинг хизмат кўрсатиш чегараларининг кенгайиши кимга зарар қиладди? Икки оёғи бир этикка тиқилган завод раҳбарлари энди қайси ташкилотнинг эшигини қоқса экан?

В. МАДИМАРОВА,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

Акс садо

«Қандай яшаяпсан, студент?»

«Тошкент оқшоми», 1989 йил 19 апрель

Яхши деб айтолмаймиз

⊙ «Қандай яшаяпсан, студент?» сарлавҳали мақолани ўқиб кўнглим тоғдек кўтарилди. Газетада айни бугунги куннинг шу муҳим муаммосига эътибор берилгани жуда яхши бўлди. Очиғини айтганда, кейинги йилларда биз студентларнинг яшаш шароитлари бошқаларнинг эътиборидан қолиб кетаётган эди. Мақола эълон қилингандан кейин ҳар ҳолда эскича ёндашув ва қарашларга чек қўйилади, деган қатъий фикрга борган эдим. Афсуски, янглишган эканман. Барибир аҳвол ўзгармаяпти. Бизни ҳамон ётоқхона чинакамига студентнинг иккинчи уйига айлантирилмаганлиги ташвишлантирмоқда. Бу гапларни ёзаяпману ўзимга ўзим савол бераман: нега энди университетдаги хўжалик ишлари бўйича масъул ишларни эгаллаб турган мутасаддилар эмас, бизнинг ўзимиз бу ишнинг орқасидан елиб-югуришимиз керак?... Қачонгача талаба ўз ҳаққини талаб қилиб ректоратга югуради. Бунинг орқасидан келадиган маломатларчи? Сал бўлмаса биз «Бебош», «Тўполончи»га чиқиб қоламиз. Яқинда шундай бўлди. Олий ўқув юртлари шаҳарчасидаги тўққиз қаватли 89-ётоқхонадан тўрт қаватли, секцияли 85-ётоқхонага кўчиб ўтишимиз зарурлиги ҳақидаги гап-сўзлар чўзилиб кетди. Масала пайсалга солинавергач, ортиқча тўполонга йўл қўймаслик учун студентлардан иборат махсус комиссия тузиб проректор Мамасолиевнинг қабулига кирдик. Қўлимизда ётоқхонадаги капитал ремонтнинг лойиҳада кўрсатилганидек олиб борилмаётганлигини фош этувчи акт ҳам бор эди. Проректор «Қолган ишларни икки ой ичида тахт қиламиз. Сизлар кўчиб ўтаверинглар» деб астойдил ваъда бериб бизни тинчлантирмоқчи бўлди. «Ҳамма ишлар ниҳоясига етганидан кейин кўчсак яхшироқ эмасми? деб сўрашларимизга қарамай кулгили жавобни олдик: «Линолеумларни ўғирлаб кетишади».

Аслида эса мана шу танқис қурилиш материалининг полга тўшалмагани ва эшикларга қулфлар қўйилмагани учун бизлар ётоқхонага кўчишдан бош тортаётган эдик. Охири бўлмади. Ётоқхонани қабул қилиб олдик. Кечалари олти студент бу ерда пойлоқчилик ҳам қилди. Хўжасизликни қарангки, ювиниш хоналарига ўрнатилган тўртта ваннанинг биттаси йўқ эди. Комендант ҳам, қоровуллар ҳам сўровларимизга елка қисишди. Бизни бу ванналарни ким олганлиги таажжублантирарди. Таажжубланишимиз шундаки, ётоқхонадаги эшик битта. Қолаверса, ҳар битта ваннани тўрт-беш киши зўрға кўтаради.

85-ётоқхонага кўчиб ўтдигу, проректор ваъда қилган икки соат икки кунга, икки кун эса бир неча кунларга чўзилиб кетди. Яна акт тузиб проректоримизга етказдик. У сўзининг уддасидан чиқа олмаганлиги учун бизнинг олдимизда ҳижолат тортадими, деб ўйлаган эдик. Афсуски, янглишган эканмиз. У бизни «эгоист»ликда айблади. Биз талаб қилаётган ниҳоясига етказилмаган ишларни тугатиш фақат қоғозда бажарилганга ўхшайди. Нега дейсизми? Ҳозир ҳам мавжуд юздан ортиқ хоналардаги эшик ва шкафлар тутқичсиз. Атиги 55та эшикдагина қулф бор, холос. Бизга қолганларини ўзингиз қўйиб оласизлар, дейишди. Мажбур бўлиб ўзимиздан пул сарфлаб қулф олиб келдик. Аммо бу қулфни ўрнатиш учун юборилган усталар ҳақларига пул таъна қилишди. Ҳеч ким уларга пул бермаган бўлсада, бу кўнгилсиз ҳодиса ҳафсаламизни анча сўндириб қўйди.

Шу мақоладан сўнг ҳам ўзгариш бўлишига ишонмай қўйдим. Назаримда бизнинг гапларимиз амалга ошмайдиган ҳасратга ўхшайди. Ҳасратни эса йиғламоқ, деб тушунаман. Хуллас, ҳозир ўзим ҳам йиғладим. Айб эмас, одам йиғласа ўзини енгил сезадику!

Ҳ. САИДОВ,
ТошДУ журналистика факультетининг II курс студенти.

Эътирозларимиз кўп

⊙ Мақола анчадан буён дилимда тўпланиб қолган фикрларни «қитиқлаб» юборди. Хўш, биз қандай яшаяпмиз? Инсон, айниқса студент ҳар қандай шароитда ҳам яшашга кўника олади. Лекин сенга яхши шароит яратиб бериш мумкин бўлган пайтда бунга панжа ортидан қаралса одамга алам қилиб кетаркан. Ахир биз ҳам жамиятимизнинг тўлақонли аъзосимизку. Ҳамма учун етиштирилаётган мавжуд неъматлардан бизнинг ҳам баҳраманд бўлишимиз ҳаётий зарурат. Аммо ҳар доим ҳам шундай бўлаётгани йўқ.

Шаҳарчадаги 30-ётоқхона қаршисида студентлар футбол ўйнайдиган майдон бор эди. У ер чангиб ётганига қарамай, доим ёшлар билан гавжум бўларди. Ҳатто спорт мусобақалари ҳам ўтказилиб туриларди. Лекин бу ерга яқинда шагал тўкиб қўйилди. Оқибатда студентлар футбол ўйнагани маданий-оқартув техникуми стадионига қатнамоқдалар. Яқинда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетидан келган вакил билан университет деканларидан бири 89-ётоқхонага студентлар билан суҳбатлашгани ташриф буюрди. Шунда 4-курс талабалари нега 3-курсда физкультура дарси йўқ эди-ю, 4-курсга қўйилди? — деган саволни ўртага ташлашди. Шунда ҳурматли меҳмонларимиздан «Ҳукуматимиз ёш авлоднинг соғлом бўлишини хоҳлайди», деган одатдаги жавобни олдик. Ёш авлод соғлом, баркамол кишилар бўлиб етишиши керак экан, у ҳолда нега бу иш фақат дарсликлардагина олиб борилиши керак? Нима учун минглаб студентлар истиқомат қилаётган олий ўқув юртлари шаҳарчасининг ўзида спорт билан шуғулланадиган бирорта ҳам тузукроқ жой йўқ. Бизнингча, ҳатто ётоқхоналарда ҳам спорт секцияларини очиш мумкин. Бунинг учун ҳаракат, ташаббуснинг ўзи кифоя.

Ҳозир биз яшаётган 85-ётоқхонада шаҳарлараро гаплашиш имконини берадиган телефон-автомат бор. Бу бизга қулайлик яратган. Ваҳоланки бошқа ётоқхоналарда бундай алоқа воситалари қўйилмаган. Ахир қулайлик ҳаммага баробар бўлиши жоиз-ку!

Биринчи курсда ўқиётганимизда темир йўл вокзалига метро борганидан хурсанд бўлгандик. Бу бизга Студентлар шаҳарчасидан вокзалга 8-маршрутли троллейбусда 45 минутда эмас, балки ундан ҳам қисқароқ вақтда метро орқали вокзалга етиб олиш имконини берарди. Лекин «Жанубий вокзал» ишга тушдию, яна студентлар йўл азобини тортадиган бўлдилар. Негаки, у ерга фақат 7-трамвай қатнайди, холос. Бу транспорт камида бир соатда манзилга етиб боради. Наҳотки, шунча кўп ёшлар истиқомат қиладиган шаҳарча билан «Жанубий вокзал»ни боғловчи бирорта янги автобус маршрутини очиш, маршрутли таксини қўйиш мумкин эмас?! Шаҳарчамизда кўп йиллардан бери самолётларга олдиндан билет сотиш кассаси ишлаб турибди. Бу нафақат талабалар учун, балки шу атрофда яшовчи аҳоли учун ҳам катта қулайлик туғдирмоқда. Нега энди шу ерда республиканинг бошқа шаҳарларига борувчи темир йўл транспорти ва автобусларга олдиндан билет сотиш кассаларини очиш мумкин эмас?! Маиший хизматнинг аҳволини гапирмасак ҳам бўлади. Ҳатто соч олдиришга, туфлини ремонт қилдиришга бўлмаганда бир соат навбат кутишимиз керак. Бир томондан бу ҳам тўғри. Шаҳарчада турли навбатлар йўқолса талабалар бўш вақтини қандай ўтказишади. Буни ана шу муаммонинг олдини олишга қаратилган ўзига хос «тадбир» дейиш ҳам мумкин. Яна бир масала: бу ерда Тошкентда жойлашган барча театрларнинг олдиндан билет сотувчи умумий битта кассаси очилса айни муддао бўларди. Ҳар бир талаба шундагина яхши маданий дам олиши, узоққа бориб вақт сарфламай, билети билан тўғри кинотеатрда ҳордиқ чиқариши мумкин.

Ётоқхоналарга ажратилган мебеллар ва жиҳозлар ўз муддатини ўтамай туриб синиб, йўқ бўлиб кетаяпти. Нима учун? Чунки бу йил шу ётоқхонада бўлсак, келаси йили бошқасида бошқа хонада яшашимизга тўғри келади. Нега энди талаба битта хонани ўқишининг охиригача ўзиники қилиб олиши мумкин эмас? Ҳар йили қулф қўйиладиган эшиклар ҳам синиб кетади. Мебелни олиш, кейин топшириш-даги ташвишларни айтмасак ҳам бўлади. Аксинча, хона студентга бирданига ўқишининг охиригача берилса, уни ўзиникидек авайлаб-асрайди. Ўйлаб қарасам биринчи курсдан буён етти марта хона алмаштирибман. Ўтган йили 89-ётоқхонага ўз ёнимиздан ремонт учун пул сарфлаб жойлашгандик. Янги ўқув йилида келсак, уни бошқа студентлар эгаллаб олишибди.

Эътирозларимиз кўп. Аммо уларнинг ижобий самараси кўринмаётганлиги, инобатга олинмаётганлиги ранжитади.

М. ҲОЖИМАТОВ,
ТошДУ журналистика факультети 4-курс студенти.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ ВА СОВЕТ ҚУРИЛИШИ БЎЛИМИДАН:

Бир факультетнинг икки талабаси куюнчаклик билан ёзган бу хатларга бепарво қараб бўлмайди. Биз «Қандай яшаяпсан, студент?» мақоласида ҳали ҳам партия, комсомол органларидаги ишлар бугунги кун талабига жавоб бермаётганлигини кўрсатиб ўтган эдик. Афсуски, мутасаддилар танқиддан тўғри хулоса чиқариб олишмаганга ўхшайди.

Биз кейинги вақтда Студентлар шаҳарчасидаги муаммоларга кўпроқ тўхталадиган бўлиб қолдик. Нега? Чунки бу ердаги йиллар давомида тўпланиб қолган камчиликларга барҳам бериш вақти етди. Афсуски, «Қандай яшаяпсан, студент?» мақоласида тилга олинган муаммолар на ТошДУ, на ТошПИ институти раҳбарларини ташвишга солди. Улар ҳали ҳам мақолага тегишли чора кўрилганлиги ва қилинган ишлар тўғрисида жавоб йўллашни хаёлларига келтиришмаяпти. Ваҳоланки, XXVI шаҳар партия конференциясида вазифа аниқ ва қатъий қилиб қўйилган эди. Олий ўқув юртлари шаҳарчасига жиддий эътибор керак. Шундай экан, ишнинг бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

Социализм мамлакатларида

Дўстлар тажрибаси

⊙ БУДАПЕШТ. Ҳозир хусусий корхона эгалари Венгрия гражданларига кўрсата олмайдиган хизмат турини топиш мумкин эмас. Агар аввалларида улар давлат ва кооператив корхоналар бажармайдиган майда ишларнигина ўз зиммаларига олган бўлсалар, эндиликда улар бундай корхоналар билан муваффақиятли рақобат қилмоқдалар.

Венгриянинг 150 мингдан кўпроқ хусусий корхона эгалари кейинги беш йил ичида ишлаб чиқарган товарларнинг ва аҳолига кўрсатган хизматларининг умумий қиймати 75 миллиард форинтни ташкил қилди. Бунга Венгрия давлати шу пайтга қадар хусусий савдо соҳасида мавжуд бўлиб келган бир қанча чеклашларни бекор қилганлиги ҳам анчагина ёрдам берди. Чунончи, шу йилнинг апрель ойидан бошлаб, хусусий шахслар ялпи савдо билан шуғулланувчи ташкилотлар тузиш, хизматчиларнинг сони 500 кишидан ошмайдиган меҳмонхоналар ва умумий овқатланиш корхоналарини очиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Ҳозир аҳолига кўрсатилаётган барча хизматларнинг 60 процентини хусусий кишилар амалга оширяпти. Бундан ташқари, улар ностандарт ёки кўплаб тайёрланмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда, давлат буюртмаларини бажонидил бажармоқда, баъзи ҳолларда эса давлат корхоналарини ускуналар билан таъминлаб ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаб, бу корхоналар билан ҳамкорлик қилмоқдалар. Савдо-сотиққа келганда эса, хусусий магазинлар, ресторанлар ва кафеларнинг ҳиссаси мамлакат савдо оборотининг ялпи ҳажмида 12 процентга етди. Шу билан бирга хусусий савдогарлар сотаётган барча товарларнинг ярмини майда ҳунармандлар тайёрлаган маҳсулотлар ташкил қилади.

Ҳозир Венгриядаги хусусий корхона эгаларининг 50 проценти учун бу доимий машғулот бўлиб қолди, уларнинг 35 проценти хусусий секторда ўриндошлик билан ишлашаяпти, қолган қисми эса пенсионерлар бўлиб, улар учун бу меҳнатдан келаётган даромад олаётган нафақаларига сезиларли қўшимчадир.

⊙ БУХАРЕСТ. Ижтимоий фикрлашга ўргатиш мумкинми? Яссадаги Г. Асака номли политехника институти ҳузурида ишлаётган «Ихтирочилар мактаби»нинг ташкилотчилари бу саволга ижобий жавоб бермоқдалар. Бундай жавоб бериш учун уларга ўз битирувчиларининг новаторлик, ихтирочилик ва рационализаторлик фаолияти асос бўлмоқда. Мазкур мактаб битирувчилари Ясса уездининг ва бутун мамлакатнинг экономикасига фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишга катта ҳисса қўшмоқдалар. Тингловчилари инженер-техник ходимлар, шунингдек, юқори малакали ишчилар бўлган бир ойлик «Ихтирочилар мактаби» шунчалик машҳур бўлиб кетдики, натижада яқинда Констанца ва Тиргу-Муреш шаҳарларида унинг филиаллари очилди.

Ясса ихтирочиларининг ҳақли равишда катта обрў қозонганлигини улар бажараётган ишлар ҳам тасдиқлаб турибди. Чунончи, маҳаллий политехника институти 30 тадан кўпроқ корхона билан узоқ муддатли шартномалар тузди. У мазкур корхоналар учун ҳар йили 300—400 та янги технология ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқади. Ясса политехника институтининг битирувчилари йилига ўрта ҳисобда ўзларининг 60 та ихтиросини қайд қилдиришади. Фақат ўтган йилнинг ўзида маҳаллий ихтирочилар ва рационализаторлар лойиҳалаштирган маҳсулотларнинг ҳиссаси Ясса уездида чиқарилаётган бутун маҳсулот ҳажмининг 90 процентидан кўпроғини ташкил этди.

Ҳозирги беш йилликда Руминияда ишлаб чиқариш новаторлари ҳаракатига алоҳида эътибор берилаяпти. РСР академияси ҳузурида тузилган ихтиролар бўйича махсус комиссия шу соҳадаги бутун фаолиятини мувофиқлаштириб туради. Машинасозлик ва электроника, автоматлаштириш ва роботлаштириш, генетика ва биотехнология каби соҳаларга устунлик берилаяпти. Руминияда бир йилда ҳаммаси бўлиб 5 минга яқин ихтирога патент берилмоқда.

⊙ БЕЛГРАД. Югославияда савдо соҳасидаги ахборотлар банки ташкил қилиняпти. Жаҳон бозоридаги ўткир рақобат шароитларида бундай ахборот системаси ЮСФРнинг кўпгина корхоналари ва фирмалари учун жуда зарур. Экспорт, айниқса ривожланган мамлакатларга маҳсулот сотиш иқтисодий тангликни бартараф этиш учун, Югославия экономикасини хўжалик юритишнинг бозор усули асосида барқарорлаштириш учун курашда устун йўналиш бўлиб қолди.

Югославия хўжалик палатасидан берилган хабарга қараганда, синаб кўриш учун шу йил охиригача савдо соҳасидаги ахборотлар банкининг саккизта кичик системасидан бирини фойдаланишга топшириш режалаштирилаяпти. Шундан кейин манфаатдор корхоналар бошқа мамлакатлар билан товар айирбошлаш тўғрисидаги маълумотлардан фойдалана оладилар. Бу эса уларга экспорт ҳамда импорт кўрсаткичларини аниқроқ ва ўз вақтида билиб олишга, талаб ва таклифларни, ташқи савдо билан алоқадор бошқа масалаларни дурустроқ билиб олишга ёрдам беради.

Ахборот банкини барпо этиш 1992 йилга бориб тўла тугалланади. Унга иттифоқ статистика бошқармаси, Югославия халқ банки, иттифоқ божхоналар бошқармаси ва бошқа ташкилотлар маълумот етказиб туради, келажакда эса мазкур банк чет эллардаги етакчи ахборот-ҳисоблаш марказлари билан ҳамкорлик қилади.

(ТАСС).

⊙ «Меҳрибоним онам, ғамгузорим онам, энди сизни қаерлардан топаман.» — Ҳозиргина тупроғи тортилган қабр тепасида бўзлаётган йигитнинг бу нолаю фиғони дафн маросимига келганларнинг энсасини қотирди. Кимдир «Садқаи олим кет-е, олим бўлгандан одам бўлсанг кошкийди». деб кесатди. Воажаб! Нима учун? Онаси қабри устида қон-қон йиғлаётган бу йигитга одамлар нега нафрат билан қараяпти?.. Унинг гуноҳи нимада ўзи?..

●

МАНЗУРА опа эрталабгача мижжа қоқмади: нима қилишини билмай боши қотди. Қаерга борсин, кимга учрашсин?.. «Тағин бирор кор-ҳол рўй берган бўлса-я». Хаёлига беихтиёр келган бу фикрдан ўзи ҳам қўрқиб кетди. Пешин чоғи келган нохуш хабардан ҳушини йўқотаёзди: тушими ё ўнгими, наҳотки... Наҳотки рост бўлса?.. Қайнанаси Меҳри хола сочини юлиб дод солди. Бир зумда қўни-қўшнилар тўпланишди, юз берган ҳодисадан воқиф бўлган маҳалла кексалари изтироб билан бошларини эгиб туришар, нималарнидир маслаҳатини қилишарди.

Кеча уйидан чиқиб кетган ва тунда машинаси билан ҳалокатга учраган эри ва жигаргўшалари Анвар, Маъмуранинг жасадини уйга олиб келишган пайтдаги чекилган дод-фарёдлар, нолаю фиғонлар қалбларни ўртаб юборди. Бир зумда уч кишидан айрилиш, уларни қаро тупроққа қўйиш... Е, алҳазар! Бундан ортиқ даҳшат бўладими?!.

Оила бошига тушган мусибат Манзура опанинг сочларини бир кечада оқартириб юборди. Меҳри холанинг қадди букилди, тўкаётган кўз ёшларининг чеку чегараси йўқ эди...

Бағир-буғур бўлиб турган ҳовли бирданига ҳувиллаб қолди. Лекин инсон бошига тушган барча оғир синоатларга бардош берар экан. Манзура опанинг ҳам тақдирга тан беришдан бошқа иложи қолмади. Бу ёқда ҳомиладорлиги оғир кечар, қариндошуруғлар ва қўни-қўшнилар насиҳат қилишиб ўзини эҳтиётлашни қайта-қайта уқдиришарди.

Ярим кечадаги қаттиқ тўлғоқ азобидан қийналган Манзура опа аранг ўрнидан туриб айвонда ётган қайнанасини уйғотди.

Эрталаб марҳум Акбар ака оиласида янги меҳмон — ўғил дунёга келганидан қўшнилар хабар топишди.

Ҳаёт қизиқ-да: қувонч ва ташвиш эгизакдек ёнма-ён туради. Ҳали тупроғи совимаган Акбар ака хонадонида бугун янги инсоннинг дунёга келгани шу оддий ҳақиқатнинг исботидек эди.

Меҳри хола ҳаётдан кўз юмган ўғлимдан ёдгор бўлсин, деб неварасига шу исмни қўйди.

Ёдгор ҳувиллаб қолган хонадоннинг, онасининг; бувисининг овунчоғига айланди. Унинг тили бийрон чиқаётганини, атак-чечак қилиб юраётганини кўрганида Манзура опанинг кўзларига ёш қалқирди. «Қани энди адаси тирик бўлсалару, унинг қилиқларини кўрсалар», деб беихтиёр пичирларди унинг лаблари.

Унинг фикри-ёди доимо ўғлида бўлар, хаёллар уммони уни узоқ-узоқларга олиб кетар, Ёдгорнинг тўйларини ўтказиш, неваралар кўриш орзуси билан қандай қилиб кеч бўлиб қолганини ҳам пайқамасди.

Орадан ўтган йиллар Манзура опанинг бу орзулари ушалишини тобора яқинлаштирарди. «Бева бошим билан қилган меҳнатларим зое кетмади, от босмаган изни той босадиган бўлди», деб севинарди Манзура опа.

Институтдаги студентлик йиллари ҳам ҳаш-паш дегунча ғизиллаб ўтиб кетди. Ёдгор отаси каби баланд бўйли, кенг яғринли йигит бўлиб вояга етди.

Бир куни ўғлининг қалбига қўл солиб кўришга жазм қилган Манзура опанинг ундан эшитган гапи устидан совуқ сув қуйиб юборгандек бўлди.

— Холамнинг қизини ҳам, тоғамнинг неварасини ҳам қўйинг, ойи, — деди у чўрт кесиб. — Ҳозир мажбурлаб уйлантирадиган замон эмас.

— Ундай бўлса кўз остингга олиб юрганинг бордир, ўғлим. Айт, совчиликка борайлик.

Онасининг бу гапидан Ёдгорнинг чеҳраси бироз ёришгандек бўлди.

— Ўзим билан ўқийдиган бир қиз бор. Ўшаларникига бориб кўринглар, йўқ дейишмайди.

Боядан бери она-бола гапини тинглаб ўтирган Меҳри хола ажабланиб Ёдгорга тикилди-да, сўради:

— Улар кимлар ўзи? Бизга мосми? Ахир тенг-тенги билан, деган гап бор, болам.

— Бизнинг тенгимиз бўлмаса ҳам қизини беради, беришга мажбур, тушундингизми?

Ёдгорнинг бу гапларидан Манзура опа ҳам, Меҳри хола ҳам эсанкираб қолишди. «Қизини беришга мажбур!..». Нималар деяпти бу бола, вой шўрим, энди бу кўргулик ҳам бормиди?!

●

ДАНҒИЛЛАМА уйнинг кунгирадор эшигидаги тугмачани босганларидан сўнг, бироз ўтгач, эгнига атлас кўйлак кийган, ёқут кўзли балдоқ таққан, пардоз-андозни ҳам меъёридан анча оширган тилла тишли аёл улар олдида пайдо бўлди-ю, унчалик рўйхушлик бермай савол аломати билан чақирилмаган меҳмонларга калондимоғлик билан қаради:

— Кимларда ишингиз бор эди?

— Бизлар, бизлар... — ғўлдиради Манзура опа, — «қулчиликка» келгандик.

Уй бекаси улар билан қўл учида кўришган бўлиб, ноилож совчиларни ичкари киришга ундади.

— Энди айланай, — дея сўз бошлади Манзура опа, — ўғлимизнинг гапи билан бу ерга келдик, институтда бирга ўқишар экан...

Мезбон гап Ёдгор ҳақида кетаётганини дарров фаҳмлади. Лекин сирни бой бермай гапни атайлаб узоқдан бошлади:

— Катта қизимиздан тинчиганмиз. Бунисига ҳам бадавлат жойлардан совчилар келиб ҳоли-жонимизга қўйишмаяпти. Майли келибсизлар, ўйлаб кўрайлик, хўжайин билан маслаҳатлашайлик.

Хадича совчилар билан совуққина хайрлашди. Манзура опанинг кўнглига ҳеч нарса сиғмас, ичида ўғли Ёдгорни койиб борарди:

«Ҳаҳ боласи тушмагур-а, нега янглишдинг, нега енгилтаклик қилдинг, нега қадамингни ўйлаб босмадинг? Онасининг димоғи шу бўлса, қизидан нима каромат кўрардим? Ўзимизга мос оилалар топилар эди-ку! Бунинг устига касалманд бўлсам: ахир сени шу умидда, етимлигингни билдирмай, емай-едириб, киймай кийдириб катта қилган эдимми? Қариндош-уруғлар ку аданг вафотидан кейин қадамларини узиб кетишган бўлса. Бутун орзу-умидим сендан, уйимизга тушадиган келиндан эдику. Буёғи энди нима бўлади».

Ёдгор онасининг авзойини кўрди-ю, гапни айлантирмади. Орадан бироз ўтгач, Манзура опанинг ўзи ёрилди:

— Баланд дорга осилибсан, болам. Охири бахайр бўлсин. Шу оилага куёв бўлиб рўшнолик кўришингга унча кўзим етмайди.

Ёдгор онасининг гапларига чурқ этмади. Чунки ғишт қолипдан аллақачон кўчганди. Ҳабибага уйланмаса боши маломатдан чиқмаслиги аниқ эди...

●

ОДАТДА келин тушган уйга файз ўзўзидан кириб келади. Ҳаммаёқ саранжомсаришта, ширин мулозаматлар. Манзура опаникидачи? Асло! Тўғриси, Манзура опа Ҳабибани болам-бўтам деб ширин сўзлар билан йўлга солишга кўп ҳаракат қилди. Бўлмади. Ҳатто келин салом пайтида қудаси Хадичанинг унга айтган аччиқ ва киноялари гапларини ҳам унутди.

Шу зайлда бир йил ўтди. Ҳатто чой дамласа тагига олдириб юборадиган, ҳолвайтарга бир қошиқ туз солиб олдингизга тақ этиб қўйиб кетадиган Ҳабибанинг боласига қарашдан бошқа баҳонаси қолмади. Бутун уй-рўзғор юмушлари Манзура опа билан Меҳри хола зиммасига тушди. Уларнинг сочлари супурги, қўллари косов бўлди. Шунда ҳам инсофга келиб қолар, деган умид уларни тарк этмасди, лекин бу умид саробдан бошқа нарса эмасди.

Қайнана-келин орасида пайдо бўлган совуқчилик эса охир-оқибатда арзимаган нарсалар туфайли уйда тез-тез жанжалтўполонларга олиб келди. Бу жанжаллар бошига тушган мусибатдан хасталаниб қолган Манзура опанинг аҳволини тобора оғирлаштириб борарди. Буни Ёдгор жуда

Турмуш чорраҳаларида

яхши биларди. Лекин қўлидан нима ҳам келарди, онасининг ёнини олгудек бўлса хотинидан балога қоларди.

Бу галги жанжал ҳам арзимаган гапдан чиқди. Кечаги овқатдан ювилмай ётган идиштовоқларни ярқиратиб, чирк бўлиб кетган газ плитасини сода билан артиб турган пайтида дарвоза эшиги очилди-ю, ҳовлида Ёдгор билан Ҳабиба кўринди. Ёдгор онасига салом бериб сўрашгач, Ҳабибани ҳам шунга ундаган бўлди.

— Э, бир кунда неча марта салом бериш керак ўзи, эрталабки салом етар, ахир ойингиз хоннинг хотини бўлсалар ҳам, — деди Ҳабиба эрига зарда билан.

— Нима, хоннинг хотини бўлса салом бериладими, — деди бироз қизишиб Ёдгор.

— Уни онангиздан сўранг, — деди-да, Ҳабиба ўғлини бир силталаб ичкарига чирсиллаб кириб кетди.

Манзура опа эр-хотин ўртасида бўлаётган можарони кўриб турган жойида қотиб қолди.

— Майли, салом бермаса ундан нарига, шундоқ ҳам уйимиз нотинч бўлса, ке қўй, шу арзимаган гап деб яна жанжални сотиб олмагин, ахир қуш уясида кўрганини қиладди-да, — деганини билади, шу пайт пешайвонга чиққан Ҳабиба тезотар милтиқдек сайрай кетди:

— Ҳой жодугар, нималар деяпсан, ким уясида кўрганини қилади, нега онамни ҳақорат қилаяпсан?!

— Ўзингизни босинг, болам, сизга нима дедим ахир, тилим тегмаса, оғзим тегмаса, нега сенсирайсиз?

— Э, сенга ҳам гап қўйибдими, яхши хотин бўлганингда шундай кўйга тушармидинг, ёмонлигингдан бошқа эр олмаганда!

Манзура опани яшин ургандек бўлди. «Е алҳазар, нималар деяпти бу бетамиз, битта-ю битта ўғлимни вояга етказиб энди келиндан эшитган гапим шу бўлдими? Ахир шу ёлғизим ўғай ота кўзига мўлтирамасин деб, ёш умримни хазон қилган эдимку. Хотинининг бу гапларига нега ўғлим индамай турибди?».

Манзура опанинг боши айланиб, кўз олди қоронғулашди, ўғли югуриб келиб унинг қўлтиғидан тутмаганда асфальт йўлкага юз тубан йиқилган бўларди.

«Тез ёрдам» машинасида келган врачларнинг дори-дармони шифо бўлди шекилли, эрталаб Манзура опа кўзини очиб ўғлига савол аломати билан қаради. Онасининг бу қарашдан Ёдгор «Хотининг қани?» деган маънони англади.

— Аразлаб яна уйига кетиб қолди. Энди келмасмиш, — оғир хўрсинди Ёдгор.

— Ўзинг пиширган ош, болам. Пешонанг шўр бўлмаса, уларга куёв бўлармидинг. Инсофга келиб қолишар, деб тўрт йил кутдик. Энди нима дейишга ҳам ҳайронман...

Меҳри хола инқиллаб-синқиллаб тайёрлаган ёвғон хўрдадан бир-икки қошиқ ичган Манзура опа ҳолсизланиб бошини ёстиққа қўйди.

●

ЁДГОРНИ телефонда сўрашаётганини айтишди. Телефон гўшасини олиб, салом берди-ю гапи оғзида қолди.

— Хотинни хўрлашни сенга кўрсатиб қўяман. Саводсиз онанг ва бувинг билан қўшилиб нега қизимга кун бермаяпсан. Эсингни йиғиб ол. Олим бўлишингни ўйла!

Шанғиллаган бу сўзларни эшитиб эсанкираган Ёдгорнинг боши қотди. Нима қилсам экан? Бориб орани очиқ қилсинми? Унда Элдорни тирик етим қилган бўладику! Бунинг устига хотини яна ҳомиладор! Инсонийлик туйғуларидан йироқ, ҳамма ради. Бу қарашда айтилган гапларга нима дейсиз, деган маънони уқиш мумкин эди.

— Онам кексайиб қолганлар, бунинг устига соғлиқлари яхши эмас, — дея сўз бошлади у. — Қандай бўларкин, ахир? Ёлғизлатиб қўйсак маҳалла-кўй минг лаънат демайдими?

— Демайди. Онанг билан бувингга ўхшашларни давлат қариялар уйига олаяпти. Ҳовлини сотиб уни ғарибхонага жойлаштириш лозим. Керак бўлса ёрдамлашиб юборамиз.

Хадичанинг бу гапи Ёдгорнинг юрак-юрагидан ўтиб кетди. Кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди.

— Мен ҳам қўшиламан бу фикрга, — дея гапга суқилди эшик олдида бутун вужудини қулоқ қилиб турган Ҳабиба. — Энди ўша ҳовлига мен бормайман. Мажбурласанглар ўзларингдан кўринглар, товонимга қоласизлар. Вассалом...

Ёдгор қайнатасининг уйидан жуда эзилиб чиқди. Нима қилиш керак? Ўйлаб асло ўйига етолмасди.

Қайнатасиникидаги гапларни айтиш қанчалик оғир бўлмасин, эрталаб чойдан кейин ундан Манзура опани воқиф этди. Онаси чуқур хўрсинди, кўзидан шашқатор оқаётган ёшларни ўғлига кўрсатмаслик учун рўмолининг учи билан артаркан, сўз бошлади:

— Нима ҳам дердим. Қайда бўлсанг омон бўлги. Қайси она ўз фарзандининг бахтсиз бўлишини истайдики, мен истай. Йўқ, болам. Агар шундай шарт қўйилган бўлса ихтиёринг. Қорада кўрсам қорним тўқ. Мен адангнинг руҳларини ёдлаб, умримнинг охиригача шу уйнинг чироғини ёқиб ўтираман. Тоғангга эса ҳамма гапни ўзим ётиғи билан тушунтираман. Мен берган сутимга розиман, доғингни кўргилик қилмасин, илойим орқамда қолгин...

●

ШОҲОНА ясатилган ҳовлида базмижамшид авжида. Эшик олди машиналарга тўлиб кетган. Меҳмонлар уй соҳибларини табриклашар, қимматли совға-саломлар тошширилаётган, бир-бирларини чўлпиллатиб ўпаётган пайтларини видеога олаётган йигитнинг эса қўли-қўлига тегмасди.

Ҳамманинг кайфияти зўр эди. Биргина Ёдгор ғамгин эди. Ҳа, айтгандек, бугунги зиёфат унинг диссертация ёқлагани ва ўғлининг туғилган куни муносабати билан ўтказилаётганди. Шундай бўлса-да Ёдгорнинг ичига чироқ ёқса ёримасди. Боиси, Манзура опага шундай дамларда қатнашиш насиб этмаганидан у ич-ичидан эзиларди. Қайнатасининг қўллаб-қувватлаши билан олим бўлиш истаги уни бу оилага бутунлай муте ва асир қилиб қўйган эди, диссертация ёқлаш илинжи Ёдгорнинг кўзларини кўр, қулоқларини кар қилиб қўйган, у бамисоли тирик бир мурдага айланиб қолган эди. Аввало ўзига мос умр йўлдошини танлашда адашган, сўнгра тақдирга тан бериб бой хонадонда эрка ва тантиқ бўлиб ўсган Ҳабибага уйлангач унинг чизиғидан чиқолмай, олим бўлай деб сонсиз-саноқсиз китобларни варақлагану, лекин муштипар икки аёл қалбига бир оғиз ширин сўз тополмаган, қариндош-уруғ ва маҳалла-қўйдан ажралиб, уларнинг на шодликлари-ю, на ташвишли онларига шерик бўлолмаган Ёдгор чиндан ҳам юраги музлаган бир кимсага айланиб қолган эди. Сароб сингари яқираб кўринган бахтга кўнгил қўйган ҳар қандай пок одам ҳам қандай қилиб худбинлик кўчасига кириб қолганини ўзи билмагани каби Ёдгор ҳам қайнатасиникига ичкуёв бўлиб боргач, уларнинг ҳаётни фақат яхши яшашу маишатдан иборат қанарсани пул билан ўлчовчи қайната-қайнанаси кошки унинг сўзларига қулоқ солишса! Агар уларда инсоф ва диёнат бўлганида кун ора аразлаб борган қизларига насиҳат қилишган, «Беш кунлиги борми, йўқми, қайнанангни ҳурмат қил, айтганини бажо келтир», деган бўлишарди. Йўқ, қизини ўзларига ўхшаган бадавлат оилага келин қилиб беролмаганидан аламзада Хадича доим тўтиқушдек бир гапни такрорларди: «Таги паст бўлгандан кейин сенинг қадрингга етармиди улар, тор қорнимга сиққан кенг уйимга сиғмайсанми? Борма энди ўша ялмоғизнинг олдига».

Ёдгорнинг кўз олдидан Манзура опа билан бувисининг аянчли қиёфаси ўтди. Келинининг бир оғиз «Ойижон» деган сўзига илҳақ бўлган онаси ва бувисига жуда ачиниб кетди.

Хотини аразлаб кетганидан орадан ўн беш кун ўтгач қайнатасининг қистови билан яна уларникига боришга мажбур бўлди. Уйга кириб келган Хадича куёви Ёдгорни кўриши билан унга қўлини пахса қилиб гапира кетди:

— Ўл-а, бу кунингдан, келаркансану ялиниб, йигит кишининг нозига ўлайми?!.

Хадича ҳамон ўзиникини маъқуллаб шанғилларди:

— Гап бундай, сиз ҳам эшитиб қўйинг, хўжайин, — энди Ҳабиба буларникига бормайди, буларнинг уйини елкасининг чуқури кўрсин. Етар тўрт йил газ тушмаган ҳовлида қийналиб яшагани. Қизимни ишонмайман. Анави эрсираган жодугар заҳар беришдан ҳам тоймайди. Шартим шу: хотин керак бўлса куёвингиз бизникида туради, йўқ деса — тўрт томони очиқ.

Хотинининг бир гап бошласа уни тўхтатиш қийинлигини, ўта қайсарлигини яхши билгани учун ҳам эри бир чимирилдида, бошини хам қилиб ўтирган Ёдгорга қабилидаги турмуш тарзларига боши билан ботиб қолганди...

●

АЭРОПОРТ томон елиб бораётган «Волга» чорраҳага келиб тўхтаганда, Ёдгорнинг хаёлига бир фикр урилди. Ҳали самолёт учишига икки соатдан ортиқроқ вақт бор экан. Онаси ва бувисини бирров кўриб, уларнинг фотиҳасини олса қандай бўларкин?

Рулда ўтирган қайнатасининг шофёри Носиржондан машинани Чилонзор томон буришни илтимос қилди.

— Ҳа, яна нима гап, — тўнғиллади Ҳабиба.

Ёдгор миясига келган фикрни айтди.

— Намунча. Келганда кўрардингизда ўшаларни, сизга жуда кўзи ўчиб турган бўлса керак, — деди заҳархандалик билан Ҳабиба.

— Қўяверинг бу гапларни Носиржон, ҳайданг машинани.

Эшик олдига келиб тўхтаган машинадан тушган Ёдгор уй дарвозасининг бир табақасини очиб, ҳувиллаб ётган ҳовли йўлкасидан қадамини тезлаштирди. Уй ичидаги хонтахта ёнидаги каравотда Манзура опа нурсиз кўзларини шипга тикиб ҳолсизланиб ётарди.

— Бормисан, Ёдгорим, жуда соғиниб кетдим-ку ахир, кўзларим йўлингга тўрт бўлиб турганди, — дея ўғлини бағрига босаркан, онанинг кўзларидан ёш думалаб кетди.

Шу пайт машинанинг сигнали эшитилди. Бу Ҳабибанинг иши эди.

— Мен чет элга ўйнагани кетаяпман ойи, сизга, бувимга нима совға олиб келай, айтинг, — зўрға ғулдиради Ёдгор.

— Ўзинг эсон-омон бориб келсанг шундан ортиқ совға борми менга. — Ҳа, айтгандек, Ҳабиба қани?

Ёдгорнинг томоғига бир нарса тиқилгандек бўлди. Тили калимага келмай, гапни бошқа ёққа бурди. Шу пайт яна машина сигнали эшитилди. Кўзлари жиққа ёшланган Ёдгор онаси билан хайрлашиб ҳовлиқиб кўчага чиқди-да, машинада ўтирган хотинига қаради: Ҳабибанинг қошлари баттар чимирилган эди. Онасини хотини бунчалик нега ёмон кўришининг сир-асрори тагига етолмаган Ёдгор оғир бир хўрсиндида, шофёрга қараб «Қани, кетдик», дея олди холос.

●

СУЛИМ хиёбонлар, оромбахш жойлар, денгиз бўйида ўтказилган қувончли ва завқли дамлар... Ёдгор билан Ҳабиба бўш вақтларида хорижий шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишар, Ҳабибанинг эс-ҳуши эса магазинларни айланишда эди. Чунки онаси қизига оладиган нарсаларнинг катта рўйхатини ёзиб берганди.

Бир куни эр-хотин шаҳар марказидаги тўрт қаватли магазинга айлангани киришди. Савдо расталарини кўздан кечириб юраркан, бирдан Ёдгорнинг кўзи бежирим қилиб тикилган чиройли пальтога тушиб қолди. Хаёлидан онаси ўтди. Ниятини айтган эди, Ҳабибанинг энсаси қотди:

— Аввал мамам билан папамларни ўйласангизчи. Нима, онангиз импортний пальто киймаса ўлганнинг кўнгли қоладими? Тошкентники ҳам бўлаверади унга!

Ёдгор хотинининг бу дашномига миқ этмади. Пештахта ёнидан зарда билан кетаркан, ҳалиги пальтога яна бир бор қараб қўйди: чунки Манзура опа кўпдан бери шундай пальтога орзуманд эди...

●

ЁДГОР тонг маҳали чўчиб уйғонди. Боши зирқираб оғрирди. Буни йўл чарчоғини ёзиш мақсадида кечаси қайнатаси билан ичган чет эл коньягидан деб билди. Хуллас, жуда ёмон туш кўрибди. Тушида бир эски қабристон эмиш-у, овоз эшитилармиш: «Ўғлим, нега ноқобил, нобакор фарзанд бўлдинг. Онангни, бувингни нега ёлғиз ташлаб қўйибсан. Нега уларнинг ҳолидан хабар олмайсан. Ахир улар сенинг жону жаҳонинг эдику. Буни унутдингми? Эсиз... Эсиз...».

Ёдгор даҳшатга тушиб ўрнидан турасётиб, гул солинган вазани тушириб юборди. У чил-чил синди. Шовқиндан Элдор ҳам уйғониб кетди. Ҳабиба эрига ғазаб билан қаради.

— Ёмон туш кўрибман, Ҳаби, — деди Ёдгор хотинига қараб, — отам мени онангдан, бувингдан нега хабар олмайсан, деб койиётган эмишлар.

— Ўшалар ўлмади-ю, бизлар қутилмадик. Ҳе, алвондир билан қўшмозор бўлларинг.

— Нима дединг, манжалақи? Мана сенга қўшмозор бўлиш. — Ёдгор хотинининг юзига тарсаки тортиб юборди.

Ҳабиба аюҳаннос солиб ҳовлига чиқди.

— Ҳа, нима гап, яна нима гап, — дея Хадича ўйдан сарпойчан отилиб чиққанида Ёдгор кўча эшигини очиб, троллейбус бекати томон ҳансираб, югуриб борарди.

●

У ХУДДИ телбалардек дуч келган машинага қўл кўтарар, ўтиб кетганлари ортидан бироз югуриб тўхтаб қолар, яна машинага қўл кўтарарди.

Қаттиқ тормоз бериб тўхтаган машинага урилиб кетишига оз қолди.

— Ҳа, Ёдгор, тинчликми, тонг саҳарлаб кўчада нима қилиб турибсан?

Машина рулида ўтирган унинг синфдоши Маҳмуджон эди.

— Маҳмуд, дўстим, илтимос, тезроқ маҳалламизга ҳайда, тезроқ, тезроқ, — дея олди Ёдгор машина ўриндиғига ўтирар экан. Унинг юраги борған сари ҳаприқар, дўстидан машина тезлигини оширишни илтимос қиларди.

Мана, ниҳоят ўзининг ёшлик онлари кечган, уйланиб ичкуёв бўлгандан кейин бу ерга келишни унутаёзган маҳалласи кўзига шу тобда жуда иссиқ кўринибкетди. Ёдгорнинг масъум дамлари маҳалла ичидан оқиб ўтадиган Қонқус ариғи бўйларида кечганди, марҳум отаси Акбар ака болалик чоғларида варрак учириб оқизоқлар ўйнаганини бувиси Меҳри хола унга бир неча бор гапириб берган эди, онаси Манзура опа худди шу йўлдан аёлларнинг ёр-ёрини эшитиб ҳозир кетаётган уйига келин бўлиб тушганини ҳикоя қилганди. Мана энди бўлса у отаси Акбар акани, акаси Анвар, опаси Маъмурани сўнгги йўлга кузатган, ўзининг қадрдон уйига шошилмоқда, онажониси, жону жаҳони ҳузурига ошиқмоқда.

Унинг юраги тобора ҳаприқарди. Машина чапга бурилган пайтда уни қаттиқ ток урандек бўлди: уларнинг эшиги олдида бир неча эркак ниманидир гаплашишар, қўшниларининг қизи эшик олдини супурар, икки киши эса кўрпача олиб чиқиб ёғоч ўриндиққа соларди.

— Машинангни тўхтат, тўхтат машинангни!

Шундай деди-ю, машинадан тушиб ҳаллослаганча ховлисига югурди... Белини боғлаган тоғаси, юрак-бағри қон бўлиб юм-юм йиғлаётган Меҳри холага тасалли беришга уринаётган бир тўп аёллар орасидан фарёд билан уй ичига кирди. Бутун умрини Ёдгорига бахшида қилган, меҳрга ташна ўксик қалбига малҳам тополмай ўлими олдидан унинг йўлларига кўз тикиб, ўғлининг бир оғиз ширин сўзини илҳақлик билан қўмсаб, сўнгги тилаги ҳам ушалмаганидан аламли лабларини тишлаб, армон ила ҳаёт билан видолашган Манзура опа уй тўрида ётарди...

Солиҳ ЕҚУБОВ.

Жонажон Ватан бўйлаб

ЁШЛАР МАТБУОТИДАН ДЕПУТАТ

Марказий ошоралик ва провинциал ошоралик алоҳида-алоҳида мавжуд бўлиши мумкин эмас. «Регионал мафкура» бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Биз қайта қуриш ишига, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси ишига содиқ бўлишимиз керак. Бу бизнинг программамиз,— сайловолди учрашувларида мамлакат журналистлари сафидан СССР халқ депутатлигига ягона номзод аёл, ёшлар матбуотининг ягона вакили, «Красноярский комсомолец» газетасининг редактори Людмила Батинская шундай деган эди.

Ҳозир у СССР халқ депутати. Ишнинг кабинет услуби унинг учун ёт. У ишлаб чиқариш бригадаларида, университет аудиторияларида, олимлар ҳузурида тез-тез бўлиб туради.

Долзарб мавзуларда, қизиқарли, ўзгачароқ ёзамиз — сўнгги бир йил ичида тиражи учдан бир ҳисса кўпайган ўлка ёшлар газетасининг шори ана шундай.

СУРАТДА: «Красноярский комсомолец» газетасининг коллективи. Ўртада — СССР халқ депутати, редактор Людмила Ивановна Батинская.

В. Медведев фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ЯНА БИР ТЕАТР-СТУДИЯ

Москва. Бир гуруҳ ёш артистлар МДУ маданият уйи саҳнасида «Твербуль» спектаклини қўйиш билан янги театр студиясининг тугилишини нишонлади. Пьеса муаллифи Алексей Паперний. Спектаклни у Евгений Аршанский билан биргаликда саҳналаштирди. Янги коллектив Марк Розовский раҳбарлигидаги «Никита дарвозаси олдида» деб номланган театр-студиядан ажралиб чиқди. Театр санъатининг синтетик кўринишларига интилаётган ёшлар гуруҳи учун мавжуд доира торлик қилиб қолди.

Томошабинлар янги театрнинг биринчи ижодини қизғин кутиб олдилар.

СУРАТДА: «Твербуль» спектаклидан бир кўриниш.

А. Морковкин фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Турфа олам

ЖАВОБ БЕШ МИНУТДА ТАЙЁР БЎЛАДИ

Венгриялик олимлар янгича конструкциядаги махсус компьютерни яратдилар. Уни ҳақли равишда мамлакатнинг бош метеорологи, деб атасак бўлади. Унинг ёрдамида атиги беш минут ичида Венгриянинг 200 метеорология станцияларидан олинган маълумотларни қайта ишлаш мумкин. Сўнгра кузатув экранида яқин уч—олти кунда бутун мамлакатнинг об-ҳаво қандай бўлиши ўзининг нурли ифодасини топади. Илгари ана шу маълумотларни қайта ишлаш учун қарийб беш соат вақт кетар эди.

ШИРИН МИНОРА

Париждаги оламга машҳур Эйфель минорасининг 100 йиллик юбилейини Сингапурдаги энг йирик меҳмонхоналардан бири — «Меридиан» меҳмонхонасининг эгалари ўзига хос нишонлашга қарор қилдилар. Меҳмонхонанинг беш қафар пазандаси фойеда миноранинг шоколаддан ясалган улкан нусхасини бунёд этдилар. Унинг баландлиги—7 метр 20 сантиметрни, вазни — 1.600 килограммни ташкил этади. Тиклаш учун бир ой вақт кетган ширин минорани машҳур «Гиннеснинг рекордлар китоби» тузувчилари рўйхатга олиб қўйдилар.

ОЙ ТУЙНУККА КЕЛМАГУНЧА

Пенсильванияда ғаройиб бир қонун бор. Ана шу қонунга мувофиқ ойнадан ясалган барча эшикларда инсон кўзи баландлигида... ёрқин бўёқли белгилар осиб қўйилиши керак. Ана шундай қарорнинг қабул қилинишига ҳаётда рўй берган қайғули воқеа сабаб бўлган экан. Бир вақтлар шаҳар губернатори хаёлга берилиб кетиб, ресторанлардан бирининг ойнадан ясалган эшигини сезмай қолган ва унга урилиб кетиб, бир неча ерини қаттиқ кесиб олган экан.

МУЗ ЮПҚАЛИК ҚИЛДИ

Британиялик таниқли тадқиқотчи Роберт Сван бошчилигидаги халқаро қутб экспедицияси чанғидаги юришни муваффақиятли якунлаб, Ернинг Шимолий қутбига етиб борди. Саккиз кишидан, шу жумладан СССР вакилидан таркиб топган интернационал группа бир ой муддам Канаданинг арктик архипелагидаги оролларнинг биридан старт олган эди. Қаттиқ совуқ ва кўп сонли муз уюмлари туфайли маршрутни босиб ўтиш муддати кутилганидан ортиқчага чўзилиб кетди. Энди эса экспедиция ташкилотчиларидан бирининг сўзларига қараганда, тадқиқотчиларнинг қайтиши билан боғлиқ мушкулликлар пайдо бўлган. Қутб районида об-ҳаво исиб кетганлиги натижасида ҳамма ёқни қалин туман қоплаган, экспедиция қатнашчиларини олиб қайтиши лозим бўлган самолёт қўниши учун эса муз юпқалик қилмоқда.

ЎЗИГА ХОС УСУЛ

Японияликлар автомашинани маст ҳолда бошқарган ҳайдовчиларни бамисоли асаб системаси бузилган кишиларни каби даволайдилар. Улар билан махсус руҳий таъсир этиш курси ўтилади. Япония йўлларидаги автомобиль фалокатларининг оқибатларини намойиш этувчи фильмни кўрсатиш ҳам ана шу курс программасига киради. Булардан кузатилган мақсад уларни спиртли ичимликларни ичишдан мутлақо воз кечишга мажбур қилишдир. Аксҳолда рулни бошқариш авариялар фильмининг мудҳиш - кадрларидан бирига айланиши мумкин, деб таъкидлашади мазкур курсларнинг ташкилотчилари. Ана шу ҳақда Чехословакияда чиқадиган «Млада свет» журнали хабар қилади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ҲАФТАЛИК ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР ВА РАДИОЭШИТТИРИШЛАР ПРОГРАММАСИ

Пойтахт радио тўлқинларида

Ҳар куни:

⊙ **Шаҳар тармоғи ва УКВ 4,46 м орқали (якшанбадан ташқари)**

17.00 «Тошкент ва тошкентликлар» программаси (сешанба, пайшанба ва шанба кунлари). 17.40 Реклама ва эълонлар. 17.50 «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг обзори.

450,45 м тўлқиндаги радиостанция орқали

13.00 Тошкентликлар учун концерт (пайшанба, якшанба кунлари). 13.30 Область ахбороти (ўзб., рус.). 13.50 «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг обзори.

19.30 да

ДУШАНБА: 22.V: «Бу ҳақда Тошкент область партия комитети II пленумида гапирилган эди». Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоздан репортаж.

СЕШАНБА, 23. V: «Халқ контроли амалда». Область халқ контроли комитетининг «Тошкент ҳақиқати» газетаси билан биргаликдаги рейди.

ЧОРШАНБА: 24. V: «Чорвадор». Радиопрограмма (рус.).

ПАЙШАНБА, 25. V: «Пишиқ ипак толаси учун». Шарҳ.

ЖУМА, 26. V: «Автомобиль, йўл, йўловчи». Радиожурнал (рус.).

ШАНБА, 27. V: «Эртага — Химиклар куни». Олмалиқ химия заводидан репортаж.

ТВ: «Тошкент» студияси кўрсатади

⊙ **V КАНАЛДА**

⊙ **24 май, чоршанба.** 21.05 «Пульс». Информацион кўрсатув.

⊙ **26 май, жума.** 21.05 «Пульс». Информацион кўрсатув (рус.).

Реклама ва эълонлар

Тошкент кооперативлари таклиф қилади «Квант» кооперативи— ҳаммага қулай!

«КВАНТ» КООПЕРАТИВИНИНГ АХБОРОТ-МУВОФИҚЛАШТИРИШ МАРКАЗИ ҚУЙИДАГИ ВОСИТАЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛИШДА АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ:

маиший техника ва радио аппаратураларни;
автомобиль транспортини;
электр ва санитария-техника жиҳозларини;
квартираларни, мебелларни,

шунингдек, рўзғорда зарур бўлиб қоладиган бошқа юмушлар ва хизматларни бажариш (буюртмачи учун қулай вақтларда).

Марказга юқорида айтиб ўтилган ишларни бажарувчи мутахассислар ҳам керак.

Адрес: Чилонзор массиви, 1-квартал, 28-уй, 4-подъезд (троллейбус паркининг қаршисида, телеателье ёнида). Иш вақти: соат 12 дан 20 гача, танаффус ва дам олиш кунлари йўқ. Телефонлар: 53-75-42, 75-90-76, 29-56-47.

Транспорт: 2, 3, 34-э, 50, 54, 70, 77-э, 84-автобусларнинг «Пионер» кўчаси бекати.

«КВАНТ» КООПЕРАТИВИ.

«Оптимум»

Кенг кўламдаги хизматларни кўрсатади

АБИТУРИЕНТЛАРНИ ХИМИЯ, БИОЛОГИЯ, МАТЕМАТИКА ВА ФИЗИКА ФАНЛАРИ БУЙИЧА ТАЙЁРЛАШ 2 ВА 3 ОЙЛИК КУРСЛАРИ ШУЛАР ЖУМЛАСИДАНДИР. УШБУ КУРСЛАРГА ДОИР САВОЛЛАР БИЛАН 34-86-12 ТЕЛЕФОНИ ОРҚАЛИ ҚУНҒИРОҚ ҚИЛИНГ;

Фирма шунингдек, даволаш массажи усулларига ўргатиладиган 3 ойлик курсларга;

ташкилотлар ва корхоналар билан тузилган шартномалар бўйича ўзбек тилига ўргатиш курсларига қабул қилади.

Кооператив фирма қурилиш-монтаж ташкилотлари, автотранспорт корхоналарини ижара пудратига, фаолиятнинг кооператив усулларига ўтказишда, шунингдек юқори малакали методик ва амалий ёрдам, хўжалик ҳисобининг турли моделларини жорий этиш ва ўзлаштиришда ёрдам кўрсатади. Қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг; 68-52-77, 67-20-09, 24-73-18, 24-41-24.

Бизнинг адрес: Генерал Петров кўчаси, 11. Соат 10 дан 13 гача, 18 дан 20 гача мурожаат этиш мумкин.

«ОПТИМУМ» КООПЕРАТИВИ.

27—28 МАЙ КУНЛАРИ

«Ғалаба» боғида

ТОШКЕНТ ҚАКТУС МУХЛИСЛАРИ КЛУБИ АЪЗОЛАРИ КОЛЛЕКЦИЯСИДАГИ КАКТУСЛАРНИНГ КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

КЎРГАЗМАДА ОРТИҚЧА ЎСИМЛИКЛАР РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ.

28 МАЙ КУНИ КОЛЛЕКЦИЯ ҚИЛИНАЕТГАН НАМУНАЛАРНИНГ КИМ ОШДИ САВДОСИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

«ЕШ ДЕСАНТЧИ» КООПЕРАТИВ КЛУБИ.

Тошкентликлар диққатига!

23, 24, 25 ВА 26 МАЙ КУНЛАРИ «ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА ТОШКЕНТ КЎН-ГАЛАНТЕРЕЯ ВА СПОРТ БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ

савдо-кўргазмаси ўтказилади.

Савдо-кўргазмадан хотин-қизларнинг кўркам спорт ва хўжалик халталарини, болалар халталарини;

эркакларнинг қайишлари ва хотин-қизларнинг камарларини, ҳамёнларни;

чемоданларни харид қилиш мумкин.

«ЧИЛОНЗОР» марказий универсал магазинининг иш вақти: танаффуссиз соат 9 дан 20 гача. Транспорт: 2, 50, 54, 153, 181-автобуслар, 7, 11, 16-троллейбусларнинг «Чайка» кинотеатри» бекати.

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Латофат мезонлари

«Тошкент гўзали» конкурси ҳақида ўйлар

Аёл назокати-гўзаллигига таъриф йўқ. Лобар қизларимизнинг ҳам ботиний, ҳам зоҳирий гўзалликларини шоирлару носирлар ўз асарларида севиб тараннум этишган. Биргина Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асаридаги сатрларни эслайлик: «Қизлар мажлиси — гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар мажлиси! Қумушбибининг тоғасинниг ўйнда, қизлар мажлиси, гуллар мажлиси!..

Бу гулми кўҳлик, йўқ нариги? Ундан кўра бунисиг! Барисидан ҳам ўттасиг!.. Ана шундай қилиб эсдан ҳам ажрарсиз, гул танлашда бир қарорга келолмай эл ичида кулгига ҳам қолурсиз, расво ҳам бўлурсиз!».

Ҳаётий-бадиий бу лавҳани бежиз эслатмадим. Сабаби, бир неча кун давомида Тошкент Давлат циркда ҳақиқий «Қизлар мажлиси» бўлди. Лекин асарда таъриф-ланган мажлисдек эмас, гўзаллик конкурси қизғин ўтди.

Келинг, шу ҳақда бир фикр юритайлик. Аввало, шаҳримизда «Тошкент гўзали» конкурсининг ўтиши қалбга ҳам қувонч, ҳам илиқлик бахш этди. Сабаби, мана, ниҳоят биз ҳам «Тошкент гўзали»ни топарканмиз, деб ўйладим. Конкурс шартларида «...табиий гўзаллик билан бир қаторда қизларимизнинг билимдонлиги, урф-одатларни қай даражада билиши уларни «Тошкент гўзали» деган номни олишга мушарраф этади...» деган ёқимли сатрлар бор эди. Ҳақиқий миллий урф-одатларимизни замонавий қизларимиз билишармикин, деган савол менга тинчлик бермади. Шундай қилиб, конкурс бошланди. Унинг биринчи босқичида 200 дан ортиқ қиз кейинги босқичга чиқиш учун «кураш» олиб боришди.

Даставвал конкурсда қатнашган иштирокчилар ҳақида икки оғиз сўз. Менимча, эл таниган, ойнаижаҳондан ҳар биримиз учун таниш санъаткорларнинг шу каби конкурсларда қатнашиши мутлақо ноўрин. Сабаби, улар аллақачон халқ қалбига, унинг ихлосига тушган. Зотан, бу ҳақда жюри ҳайъати ва ана шу иштирокчиларнинг ўзлари ўйлаб кўришлари керак эди.

Конкурсда берилган саволларнинг нақадар ўринсиз эканлигидан ҳайратга тушасан киши. «Тошкентдан соат 15.00 да учган самолёт Самарқандга нечада етиб боради?», «Пахта монокультурасининг Тошкентга салбий таъсири?», «Пахтакор» футбол командаси нечанчи йилда ташкил топган?». Менимча, қизларимиз ўзларининг билимдонликларини юқоридаги саволлар билан эмас, ҳақиқий хотин-қизларга хос хислатларда намойиш этишлари керак. Тўрт кун қизларимизнинг ақл-заковатларини синаш билан ўтди. Агар конкурс ҳақида билмаган мухлис циркка киргудек бўлса «Қувноқлар ва зукколар» телеконкурси ўтмоқда, деб ўйлаши ҳам мумкин эди.

Қатнашчиларнинг ташқи кўринишлари ҳақида тўхталишни жоиз деб билдим. Қизларимиздан табиий гўзаллик талаб этилди. Табиий гўзалликни намойиш этиш учун иштирокчилардан 16 сўмдан, финал босқичга чиққан ўнта қиздан яна шунча пул олиш шартмиди? Эшитишимча, шунча миқдордаги пул финалда баъзи сабаблар билан қатнашмаган қизлардан ҳам олинган. Табиий гўзаллик юздаги бўёқлар билан аниқланмайди-ку!

Қизлар бири-биридан ўзиб кийиниши учун ҳам катта маблағ талаб этилади. Конкурсдан аввал унинг «йўлбошчи»ларидан бирига «Яхшироқ кийиниш учун қизлар нима қилади?» деб савол берганимда у «Чўнтагига барака берсин», деб жавоб қилганди. Демак, табиий гўзал, зукко, билимдон қиз ҳоли эмас. Ахир шоҳона кийимларни қадимда меҳнаткаш аёллар кия олмаганликларини, бундай либосларни фақат шоҳ саройидаги раққосалару, фоҳишалар кийганлигини жюри ҳайъатидагилар наҳотки билишмаса?

Билимдон деб кимларни айтиш мумкин? Бу савол кўпчиликка ғалати туюлса керак. Билимдонни аниқлаш учун кишига бир ҳафта илгари саволларни ёппасига бериб, уларга тайёрлантириш ўринлимикин? Конкурсда қатнашган қизларнинг аксарияти ана шундай тайёргарлик билан финал босқичларига келиши ноўрин. Сабаби, ҳақиқий билимдонни аниқлаш тасодифий саволларнинг берилиши билан ажралиб туриши керак.

«бундайроқ» кийимда «Тошкент гўзали» конкурсининг ғолиби бўла олмас эканда, деб ўйладим. Таассуфки, ҳар бир иштирокчи ана шундай яхши кийиниши учун зир югургани сир эмас. Жюри ҳайъати эса, шоҳона либослар учун юқори баҳо қўйгани эҳтимолдан

Бу конкурсни «Тошкент гўзали» эмас «Ёш санъат усталарининг концерти» деб атасак тўғрироқ бўларди. Тўрт кун давомида, яхшики қўшиқ айтиб, аскиябозлик қилган санъаткорлар бор экан. Уларнинг чиқишлари келганларга қувонч бахшида этди чамамда. Акс ҳолда бу ерга ташриф буюрганларнинг диллари хуфтон бўлиб кетиши муқаррар эди.

Финал босқичидан аввал юқорида зикр этилган баъзи хислатларга эга қизлар ғолиба бўлишаркан, деган шов-шувларни эшитдик. Лекин ҳақиқат тантана қиладиг, ҳақиқий гўзал аниқланади деган ният билан сўнггги кундаги финал босқични кутишга мажбур бўлдик.

Финал босқичида Тошкент Давлат циркига аввалги кунга қараганда бир мунча кўпроқ мухлислар йиғилишди. Ҳисобга олинган ўнта иштирокчидан тўққизтаси саҳнага биринчи шартни бажариш учун чиқишди. Иккинчи шартга чиқиш арафасида кечга қолган Муҳаббат Ҳолиқова ҳам етиб келиб, унда иштирок этиш, этмаслиги муҳокама қилина бошланди. Шундагина жюри ҳайъатининг ночорлигини англадик. Шу тобда уларни баъзи футбол ўйинларида ўзлари белгилаган жаримани ёки ўйин давомида чиқарган қарорларини бекор қиладиган ҳакамларга ўхшатдик. Хуллас, Муҳаббат шартни бажаришга чиқди, лекин берилган саволга жавоб бера олмади.

Шунга ўхшаш қарорларни чиқаришда жюри ҳайъати анчагина хатоликларга йўл қўйди. Финал олди босқичида иштирок этган Гулчеҳра Рўзиева саволга жавоб бера олмаганда қўшимча вазифа бериб, биринчи ўринни таъсис этишганди. Сўнггги кунда қатнашган шундай аҳволга тушган қизга негадир қўшимча савол беришмади.

Хуллас, конкурсдан бир ой илгариги шов-шувлар ҳақиқатга айланди. Ўзбекистон ССР телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети қошидаги дуторчи қизлар ансамблининг раққосаси Наргиза Олимова «Тошкент гўзали» номига сазовор бўлди.

Юқорида мен финал олди босқичида қизларимизга қандай бемаъни саволлар берилганини айтгандим. Худди шундай ҳол финалда ҳам рўй берди. Қизларга берилган: «Турмуш қурганингиздан кейин куёв ичиб келса уришасизми ёки эркалайсизми?», «Бола бешиги қайси дарахтдан тайёрланади?» каби ўринсиз саволлар кишининг ғашини келтиради. Ахир бундай саволлар билан миллий урф-одатларни тарғиб қилиш, уларни ҳимоя қилиш, қизларимизнинг иффати, ҳаё, одобини аниқлаш асослимикан? Шу ўринда конкурсни олиб борган артист Соат Шариповнинг ҳам баъзи ноўрин хатти-ҳаракатларини айтиб ўтиш керак.

Конкурсда педагогика фанлари кандидати, доцент Бахтиёр Сайфуллаев, унинг ёрдамчилари Фарҳод Аҳмедов, Собиржон Содиқов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Акбар Мўминов ва Ботир Норбоевларнинг қилган меҳнатларини қадрлаш керак. Уларнинг изланишлари туфайлигина бачканаликлардан ранжиган мухлисларнинг ғовурига бироз барҳам берилди.

Конкурсда шунингдек, илмий-тадқиқот институти кутубхонасининг ходими Дилфуза Олимова, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг талабаси Анжелика Штерн, Тошкент Давлат университетининг талабаси Гулчеҳра Рўзиевалар ғолиба деб топилдилар.

Келгусида конкурс ташкилий комитетининг раиси Анвар Жўрабоев айтганидек, ҳақиқий ўзбек келин-маликасини танлашда бундай камчиликларга йўл қўйилмас, деган умиддамиз. Қолаверса, гўзалликни аниқлашни фақат жюри ҳайъатининг ўзига эмас, балки залга йиғилган мухлисларга ҳам юклаш керак.

Д. ЖАЛОЛОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

⊙ СУРАТЛАРДА: «Тошкент гўзали» Наргиза Олимова (юқорида); пастдаги суратда конкурс ғолибалари (чапдан) Дилфуза Олимова, Анжелика Штерн ва Гулчеҳра Рўзиевалар.

Р. Шарипов фотолари.

Олий мактаб янгилиги

Хитой тилида сўзлашайлик

Тошкент Давлат университети шарқшунослик факультети хитой филологияси кафедрасида рус-ўзбек-хитой сўзлашув китоби ёзиб тугатилди.

— Хитой Халқ Республикаси билан алоқалар кенгайиб боргани сайин бу мамлакатнинг ўзига хос маданияти, тарихига бўлган қизиқиш кучаймоқда, — деди кафедра мудири М. Маҳмудхўжаев УзТАГ мухбирига, — демак ана шундай китобларга ҳам эҳтиёж ортмоқда. Биз ёзган қўлланма хитой тилида сўзлашмоқчи бўлган кишиларга фойдали бўлади деб умид қиламиз. Ноширлар ҳозирча бундай қўлланмаларни чиқаришни пайсалга солишаяпти, бу эса уларнинг меҳнату ҳимматига боғлиқ.

Тошкент университетида 30 йилдан кўпроқ вақтдан буён хитойшунос мутахассислар тайёрланмоқда. Ҳозир бу ерда 80 дан зиёд студент таълим олаяпти. Улар орасида Болгария ва Польшадан келган йигит-қизлар бор.

Кафедра ёпилиб қолган вақтлар ҳам бўлди. Аммо замон ўзгараяпти. Кафедрамизнинг муаллимлари ва студентлари Совет Иттифоқи ва хитойлик шериклар ўртасида бўлаётган амалий музокараларда ботбот таржимонлик қилишмоқда. Тилни яна ҳам пухта билиш зарур.

Тошкентдаги «Дружба» магазинида Хитой адабиёти бўлими очилгани туфайли хитойшунос муаллимлар ўқувметодика китоблари, Хитой Халқ Республикасининг газета ва журналларига буюртма беришлари мумкин бўлиб қолди. Студентларнинг ХХРда практикада бўлишлари мутахассислар тайёрлаш даражасини оширишга ёрдам бермоқда. Масалан, ўқитувчилардан М. Миржалолов, И. Усмонов, А. Каримов Хитойда ишлаб келишди. Ҳозир Пекин ва Шанхайдаги чет тили институтларида, Хитойдаги бир қанча университетларда саккиз студент ва бир муаллим тажриба орттирмоқда. Яна бир группа Хитойга бормоқчи.

Тошкент университетида Шаньдун университетининг муаллими Ван Пин совет ҳамкасблари билан иш тажрибасини баҳам кўраяпти. У тилдан сабоқ бермоқда. Махсус семинарларга бошчилик қилмоқда. Куни кеча эса у Хитой календари бўйича янги йил байрамининг қатнашчиси бўлди. Университетнинг ўқитувчилари ва студентларидан ташқари бу байрамда ХХРлик стажерлар ва аспирантлар, Тошкентдаги 59-мактабнинг хитой тилини ўрганаётган ўқувчилари ҳам иштирок этдилар.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Реклама ва эълонлар

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

31 МАЙ, 1—2 ИЮНЬ СОАТ 20.00 ДА

КУЛГИ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Тўртинчи қизиқчи ва аскиячилар республика кўрик конкурси ва «ҚИЗИҚЧИ-89» конкурсининг лауреатлари: Мирза ҲОЛМЕДОВ, Ботир МУҲАМЕДХЎЖАЕВ, Обид АСОМОВ, Абдулла АКБАРОВ;

«ҚИЗИҚЧИ-89» конкурсининг лауреатлари:
ТОЛИБ ҲОЖИЕВ, ОЛИМ ЮНУСОВ, ТУЙҒУН САЪДУЛЛАЕВ, БАХТИЁР ИУЛДОШЕВ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ЗИЁДА МАДРАҲИМОВА

ЛИРИК ХОНАНДА
МАВЛУДА ТУРДИЕВА

ПРОГРАММАНИ — бадиий сўз устаси, тўртинчи қизиқчи ва аскиячилар республика конкурсининг лауреати **ТУХТАМУРОД АЗИЗОВ** олиб боради.

ПОСТАНОВКАЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати **АБДУРАШИД РАҲИМОВ.**

Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТИКУВЧИЛИК САНОАТИ РЕСПУБЛИКА АССОРТИМЕНТ ВА МОДАЛАР МАРКАЗИ

ташқи кўринишни гўзал, қадди-қомати келишган ва ҳаракат қилиш, артистлик ва кийиниш маданиятини янада такомиллаштириш ҳоҳишида бўлган кишилар учун

модалар театрига

намойишчи-актёр лавозимига

Конкурсли

қабул эълон қилади

Конкурсга 18—23 ёшдаги, бўй-басти 170-175 см., размерлари 44—48 бўлган АЕЛЛАР;

20—30 ёшдаги, бўй-басти 178-185 см., размерлари — 46—50 бўлган ЭРКАКЛАР таклиф қилинадилар.

Конкурс 23 май соат 14.00 да қуйидаги адресда жойлашган намойишлар зали биносида ўтказилади: Тошкент шаҳри, Сапёрний кўчаси, 25-уй (7, 8, 9, 10, 11-трамвайларнинг «Россия» меҳмонхонаси» бекати).

Справкалар учун телефон — 56-05-25.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ҚЎРГАЗМАСИНИНГ

ДАМ ОЛИШ ЗОНАСИ —

«ҒАЛАБА» БОҒИДА

ҲАР КУНИ, СОАТ 10 ДАН БОШЛАБ 23.00 ГАЧА

БОЛАЛАР ВА КАТТАЛАРНИНГ АТТРАКЦИОНЛАРИ, ЎЙИН АВТОМАТЛАРИ, КЕГЕЛЬБАНЛАР ИШЛАЙДИ.

Қайиқлар прокати, катерда кўл бўйлаб сайр, видеосалон, шунингдек рангли фото (буюртмачининг хоҳишига кўра фотосуратлар почта орқали Совет Иттифоқининг исталган бурчагига юборилиши ҳам мумкин) дам олувчилар хизматида бўлади.

Дам олиш ва байрам кунлари ёзги эстрадада профессионал ва ҳаваскорлик коллективлари, миллий ва эстрада ансамбллари, духовой оркестр, қўғирчоқ театри махсус программалари билан чиқишади.

Дам олиш зонаси территориясида «ОТДИХ», «МОРОЖЕНОЕ», «ЛЬДИНКА», «БАЛИҚЧИ» кафелари ва буфетлар жойлашган.

СИЗЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ҚЎРГАЗМАСИНИНГ ДАМ ОЛИШ ЗОНАСИДА МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ ТИЛАЙМИЗ!

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/V да **Майсаранинг иши** (19.00), 24/V да **Ўзбек хореография билим юртининг ҳисобот концерти** (19.00), **Оловли фаришта** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ БИНОСИДА **М. Авезов номидаги Қозоқ давлат академик драма театрининг гастроллари** — 22/V да **Кўзи Кўрпеш — Баян сулув** (19.30), 23/V да **Биз фаришта эмасмиз** (19.30), 24/V да **Жойнамоз.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/V да **Хотинимнинг эри** (19.30), 24/V да **Ака-ука совчилар** (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/V да **Отасининг қизи** (18.00), 24/V да **Қора камар** (19.30).

Кино

22 майда
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (премьера, 20.40).

Чайка — «ТИМСОҲ ДАНДИ-2» (16, 18.30, 21.00).

Ватан — «КОНДОР» (16, 18.30, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ТИМСОҲ ДАНДИ-2» (16, 18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «МАҚОЛА» (жуфт соатларда).

Дружба — «ХУДОНИНГ ОШНАСИ» (ҳар соатда).

Қозоғистон — «ТИМСОҲ ДАНДИ-2» (16, 17, 18.30, 20.00).

К. Ерматов номли — «ЯККА ЎЗИ» (тоқ соатларда).

Восток — «ҚОРА ОЙ»НИНГ ЧИҚИШИ» (17, 19, 20.40).

Лисунов номли — «ИФ ҚАЛЪАСИНИНГ МАҲБУСИ» (иккинчи фильм, тоқ соатларда).

Фестиваль (ёзги) — «ҚОРА ОЙ»НИНГ ЧИҚИШИ» (21.40).

Хива (ёзги) — «ТИМСОҲ ДАНДИ-2» (21.40).

23 майда
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.40).

Чайка — «ФАВВОРА» (11.30), «ТИМСОҲ ДАНДИ-2» (13.30, 16, 18.30, 21.00).

Ватан — «КОНДОР» (12, 14, 16, 18, 20, 21.30).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ТИМСОҲ ДАНДИ-2» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «МАҚОЛА» (жуфт соатларда).

Дружба — «ХУДОНИНГ ОШНАСИ» (ҳар соатда).

Қозоғистон — «ТИМСОҲ ДАНДИ-2» (11, 12, 13.30, 14.30, 16, 17, 18.30, 20.00).

К. Ерматов номли — «ЯККА ЎЗИ» (тоқ соатларда).

Восток — «ҚОРА ОЙ»НИНГ ЧИҚИШИ» (11, 13, 15, 17, 19, 20.40).

Лисунов номли — «ИФ ҚАЛЪАСИНИНГ МАҲБУСИ» (иккинчи фильм, тоқ соатларда).

Фестиваль (ёзги) — «ҚОРА ОЙ»НИНГ ЧИҚИШИ» (21.40).

ХИВА (ёзги) — «ТИМСОҲ ДАНДИ-2» (21.40).

Автомат жавоб берувчи телефонлар:

Москва — 68-68-81.

Ўзбекистон ССР 25 йиллиги — 53-65-87.

М. Шайхзода номли — 42-39-74.

Ҳамза номли — 91-10 51.

Тинчлик — 58--34-88.

Искра — 39-14-59.

САНЪАТ САРОЙИДА

23 майдан бошлаб

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ пьесаси бўйича

«ЎЗБЕКФИЛЬМ»

киностудиясида ишланган

«МАЙСАРАНИНГ ИШИ»

янги рангли

МУЗИКАЛИ КИНОКОМЕДИЯ (2 серия) ЎЗБЕК ТИЛИДА

НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ

Режиссёр — **М. АФЗАЛОВ.**

Сеанслар соат 11, 13.30, 16.00, 18.30, 20.40 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассалари соат 14 дан 20.00 гача очиқ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона—32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши—32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги—32-54-19; ижтимоий масала — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32-54.15; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Якшанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.

Р. — 11786. Ички саҳифаларга 19.00 да қўл қўйилган. [График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим]. Б. 3001. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10